ISSN 2181-3841

Ўзбекистонда профессионал таълим

Профессиональное образование в Узбекистане
Vocational education in Uzbekistan

Нишона сон
2022 йил

илмий, маънавий-маърифий
журнал

www.edujournal.uz

“Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ

Бугунги кунда эришилган туб ўзгаришларни тасаввур қилиш қийин. Қўйилаётган кенг кўламли қадамлар, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган оқилона сиёсат ва унинг замиридаги инсон қадрини улуғлаш тамойили асосида таълим муассасаларининг роли ва масъулиятини янада кучайтиришга аҳамият берилмоқда.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазири,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ

TO READ THE ARTICLE IN ENGLISH

Ҳозир дунё миқёсида ҳар бир соҳада рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновацион ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз.

Жорий йилнинг 15 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда камбағалликни 2 бараварга қисқартириш бўйича марраларга одамларга фақат ва фақат замонавий касблар бериш орқали эриша олишимиз мумкинлигини Давлат раҳбари таъкидлаб ўтди. Бу йил республика бўйича 555 минг нафар ёшлар меҳнат бозорига кириб келишини ҳам маълумотларга таянган ҳолда эслатди. Уларни замонавий касбларга ўргатиш, муносиб иш билан таъминлаш масалалари барча даражадаги ҳокимлар, олий ўқув юртлари ректорлари, коллеж ва техникум директорларини ҳам ўйлантириши кераклигини таъкидлади.

Бундан келиб чиқадики, профессионал таълим тизимида бажарилаётган ишларда ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий тайёргарлигини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишида замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган ўқитиш усулларини амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади.

ISSN 2181-3841

Бугунги кунда фақатгина муайян вазиятдаги фаолиятга тайёрланган мутахассис профессионал таълим тизимини қаноатлантирмайди.

Чунончи, Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соҳада мутлақо янги профессионал таълим тизимини йўлга қўйиш бўйича устувор вазифалар, хусусан, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникумларни ташкил этиш, миллий малака тизимини ишлаб чиқиш ва натижада 9000 га яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда олий таълим тизимидаги катта ислоҳотлар ўз натижасини беришни бошлади. Жорий йилда 36 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди. Энди профессионал таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш – олий таълим вазири, унинг ўринбосарлари, ректорларнинг энг устувор вазифаси бўлиши керак. Бу жуда муҳим вазифа, тизимли иш ташкил этилмаса, одамлар рози бўлмайди

Ш.Мирзиёев

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инновацион технологик жараёнлар, тадбиркорлик, кичик бизнес соҳаларида яратилаётган янги технологик иш ўринлари ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи мутлақо янги касб-ҳунар таълими муассасалари тармоғини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Бу эса меҳнат бозорининг талабларига мос юқори малакали кадрлардан профессионал таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш, мазмунини янгилаш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, профессионал таълим тизимининг амалдаги ҳолатини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш, таълим муассасалари ходимларининг нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, малака ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар белгилашни талаб қилмоқда.

Шунинг учун бу муаммоларни чуқур ўрганиб, унинг ечимини топиш, касб-ҳунар таълими тизимининг шаклан ва мазмунан мутлақо янги тармоғини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сонли Фармони қабул қилинди.

Қабул қилинган Фармонга мувофиқ, Давлатимиз раҳбари томонидан тизим олдига мутлақо янги узлуксиз профессионал таълим муассасалари тармоғини яратишдек жуда катта, кенг кўламли, мураккаб вазифа қўйилди.

Ана шу вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши иқтисодиётни ривожлантиришдаги муҳим шарт бўлган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш масаласини ҳал этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда содир бўлаётган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида деярли барча ижтимоий институтларни, шу жумладан, таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқиш, унинг ривожланишида динамиклик ва барқарорликни таъминлашга қодир бўлган олий ва профессионал таълимни ривожлантириш йўллари устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Профессионал таълим тизимида кенг кўламда амалга оширилаётган ишларнинг бир кўзгуси сифатида дунёга келаётган "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали соҳада кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари ижросини таъминлаш ҳамда соҳани янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади, десак адашмаган бўламиз.

Шубҳасиз, профессионал таълим соҳасидаги сўнгги янгиликлар, энг муҳим инновацион лойиҳалар ва тадқиқотлар ҳамда ўрганилган илғор тажрибаларни оммалаштириш, халқаро миқёсдаги ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни қондириш, уларнинг меҳнат ресурслари экспортида Ўзбекистон улушини янада кенгайтириш каби мавзуларни ёритишда "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали етакчи нашрлардан бири бўлишига умид қиламиз.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, биз икки соҳа вакиллари – хоҳ олий таълим бўлсин, хоҳ профессионал таълим тизими бўлсин, бир-бирини доимо тўлдириб, узлуксизлигини таъминлашда бор билим ва тажрибамиз, истеъдодимиз, азму шижоатимиз, ғайрат ва матонатимиз билан Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида барчамиз камарбаста бўлишимиз лозим.

Бу борада журнал ижодий жамоасига ва унинг муштарийларига улкан зафарлар тилаймиз.

ISSN 2181-3841

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА “ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ”

Рисбай ДЖУРАЕВ,
Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ бўлим мудири, ЎзФА академиги, педагогика фанлари доктори

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилаётган “Ўзбекистонда профессионал таълим” илмий-методик журнали олий таълим тизимида эътироф этилган хорижий тажрибани юртимизга олиб кириш ва амалиётда қўллашга имкон яратади.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашиш минбари бўлиши кутилаётган ушбу нашр рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини янги профессионал босқичга олиб чиқиб, таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Бугун ҳар соҳага билимдон, малакали ва тажрибали кадрлар зарур. Шу маънода янги ташкил этилаётган журнал профессионал таълим тизимида салоҳиятли кадрларни етиштириб, ўзаро мутахассислар алмашинувига замин яратади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим самарадорлигининг ривожланиш динамикасини янада жадаллаштириш, бунда Президентимиз томонидан яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, профессионал таълим учун рақобатбардош мутахассисларни – сифатли бўлажак касб таълими ўқитувчиларини етказиб бериш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир.

Ш. Мирзиёев

Бугунги кунда профессионал таълим муассасаларининг касб таълими ўқитувчилари кучли билимга, малакага, шу билан бирга юқори касбий маҳоратга эга бўлиши ҳамда замонавий илмий-техникавий ва ижодий изланувчан, фикран теран, ҳар бир натижани асослаб бера оладиган ҳамда методик, илмий ва изланувчанлик қобилиятларини намоён эта оладиган ва муаммолар ечимини тўғри баҳолай олиш имкониятига эга бўлсагина биз кутган касб эгаларини тайёрлаш имконияти бўлади.

"Ўзбекистонда профессионал таълим" илмий-методик журнали олий таълим муассасаларининг мустақил тадқиқотчи, таянч докторант ва мустақил изланувчиларининг илмий мақолаларини чоп этишга мўлжалланган.

Янги журнал хорижий мамлакат ва юртимиз олимларининг янгидан-янги топилмалари, фикр ва қарашлари ифода этиладиган, инновацион ғоялари ва фикрлари баён қилинадиган илмий минбарга айланишига ишонаман.

Нашр ишига улкан зафарлар ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

ISSN 2181-3841

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ ҲАМДА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Зайниддин ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ

TO READ THE ARTICLE IN ENGLISH

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилябти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 106-сон "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида "Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди. Бунда профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини оширишда замонавий технологияларни жорий қилиш, малака оширишда муқобил ва мустақил таълим шаклларини жорий этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнини рақамлаштириш, тингловчилар учун қулай таълим платформаларини яратиш ва доимий равишда платформа структурасини такомиллаштириб бориш лозим.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашда таълимнинг узлуксизлиги ҳамда узвийлиги, тингловчиларнинг онглилиги ва фаоллигини таъминлаш ОТМда олинган таълимни олий ўқув юртидан кейинги таълим билан,

шунингдек, малака ошириш курслари педагогик жараёнлари билан ўзаро боғлайди. Бунда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг алоҳида таълим босқичи сифатидаги самарадорлиги янада ортади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг мақсади педагог кадрларнинг умумий дунёқараши, касбий маҳоратини узлуксиз такомиллаштиришдан иборат. Таълим жараёнида мутахассислар, ўқитувчилар умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича билимларини бойитадилар, янги метод ва замонавий технологияларни ўрганадилар.

Шунингдек, соҳа тингловчиларига мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш, таълим бошқаруви соҳасида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида етарли билим, кўникма ва малакаларни мунтазам равишда етказиб боришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, яқин йилларда янги профессионал таълим тизими ўзининг ҳаракатчанлиги, мослашувчанлиги ва тез модернизация қилиш қобилияти туфайли истиқболли йўналишга айланади ва ривожланиш учун шундай туртки бўлиши керакки, ҳеч бир даража ўзгармай қолмайди. Бунда педагог кадрларни касбий қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни алоҳида аҳамият касб этади.

Профессионал таълимда бошқарув кадрлари малакасини ошириш фақат янги омилларни ҳисобга олмайдиган ва шу билан унинг ривожланишини чеклайдиган ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий тизими билан амалга оширилмайди. Ҳозирги вақтда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига модернизация ғояларини жорий этишнинг назарий ва услубий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва аслида кам ўрганилган муаммодир.

Бугунги кунда узлуксиз таълимнинг бошқа қисмларида бўлгани каби институтда ҳам таълим жараёнини модернизация қилиш, таълимнинг илғор моделларини излаш ишлари олиб борилмоқда. Асосий вазифамиз тингловчини, хусусан, бошқарув кадрларини касбий фаолиятнинг янги турига тайёрлаш сифатини оширишдан иборат бўлса, уларнинг асосий вазифаси эса ўқув жараёнини шахсни ривожлантиришнинг реал механизмига айлантириш функцияси ҳисобланади. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи узлуксиз педагогик таълим муаммоларини ўрганишда таҳлил ва умумлаштириш, илмий қайта фикр юритиш, янги услубий ёндашувлардан фойдаланишдан иборат.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, таълим тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтиришда "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали муносиб ҳисса қўша олишига ишонаман.

ISSN 2181-3841

TECHNICAL COOPERATION PROJECTS FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN THE FIELD OF VOCATIONAL EDUCATIONAL AND TRAINING

Joachim FRITZ,
Head of the GIZ representative office in Uzbekistan

МАҚОЛАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎҚИШ УЧУН

ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ

Uzbekistan and Germany: 30 Years of Mutually Beneficial Cooperation

Uzbekistan and Germany are celebrating the 30th anniversary of establishing diplomatic ties this year. The relations between two countries have achieved very great results in the political, parliamentary, trade and economic, cultural and humanitarian spheres, as well as cooperation in the framework of democratic socio-economic reforms implemented in Uzbekistan. In this article, we wanted to focus on one of the priority areas of Germany's technical cooperation (TC), which is the vocational education and training (VET) system.

The VET sector has gained in importance due to the dynamically developing economy of Uzbekistan and the multitude of newly established and modernized enterprises, which require a large number of qualified workers. On the other hand, the labor market is annually filled with hundreds of thousands of young graduates of educational institutions, creating a challenge for the country, as the national economy is not able to provide them all with jobs. Consequently, there is a migration of labor resources, with certain requirements for education and training, and practical skills to match the professional level.

The existing dynamics of economic development in Uzbekistan allows to assume that, eventually, the economic system will be organized on the basis of market self-regulation, where coordination of actions in the labor market is carried out via interaction of private companies (enterprises), educational, professional institutions and individual consumers of services, which are free to choose professions. The role of the state will be to create framework conditions and develop a sense of mutual responsibility of all participants in their active implementation of objectives to achieve the VET reform

goals. That, ultimately, will help to provide qualified specialists with the necessary qualifications and competencies that are in demand in the labor market.

TC projects

The main principle and success indicator of TC projects is not only the training on appropriate practical skills ("employability"), but also the real occupation ("employment"). Therefore, the involvement of the private sector of Uzbekistan, state-owned enterprises and international companies operating in the country is especially important for the implementation of VET projects. In this context, the activities of GIZ projects in the VET system focus on those sectors of the economy that can provide employment opportunities not only in the short term, but also in the medium and long term, as as well as support the Uzbek economy in its future growth.

The German government is allocating significant amounts of funds for projects aimed at improving the VET system in Uzbekistan. Currently, GIZ is implementing two TC projects in the field of vocational education in Uzbekistan. These are:

- **"Support of the Reform and Modernization Process in the Vocational Education System of Uzbekistan"** Bilateral Project;
- **"Professional Education for Economic Growth Sectors in Central Asia"** (PECA) Regional Project.

The bilateral project concentrates its efforts in the **textile sector and its selected key technical specialties.** Currently, we observe an accelerated development of the Textile sector in Uzbekistan (due to the intensive growth and development of textile enterprises) in comparison with the processes of implementation of reforms in VET offered by the State sector. In this connection, it is very important to create conditions for joint participation of the State and Business sectors in the training of professional personnel demanded in the labor market with the active involvement of consumers of VET services, which will ultimately ensure a consistently high level of economic growth and demand for skilled workers.

While the bilateral project implements its activities only at the level of secondary professional education (SPE), the regional project includes activities in the field of higher education as well. The regional project promotes the training of specialists for the **food industry and the logistics sector.** The main objective of the PECA project is to improve the labor market relevance and quality of secondary professional and higher education (HE) in line with international practices and standards, e.g. the German dual vocational secondary program model (combination of academic/laboratory and workplace learning, with private sector participation in the planning and delivery of training in cooperation with HE institutions) and the cooperative higher education based on European standards. In addition, the PECA project aims to strengthen regional

ISSN 2181-3841

harmonization and compatibility of national vocational education programs in Central Asia.

Both projects combine measures for developing a legal and regulatory framework for employment-oriented vocational education system with experimental measures aimed at the development of specific educational vectors in Uzbekistan. The strategy of both projects is based on the needs of the economy and focuses on the development of practice-oriented professional skills for economically significant industries in Uzbekistan.

The issue of vocational education is also covered by other GIZ projects in Uzbekistan, such as **"Promotion of economic reforms and sustainable economic development in the regions of Uzbekistan".** One of the project areas is tourism development, where a pilot initiative is being implemented to support vocational colleges and tourism technical schools in three regions (Andijan, Margilan and Khiva) by assisting in capacity building of teachers of pilot educational institutions and introducing elements of the dual system.

International experts of "Leo Impact Consulting" are engaged in the implementation of the elements of the corporate-dual system (CDS) on behalf of the project.

Another project, **"Management of Advanced Medical Technologies in Uzbekistan"**, implements 4 components aimed at improving the quality of medical services and technical maintenance, while using and managing advanced medical technologies in Uzbekistan. The initiative to improve the quality of medical services is implemented through updating curricula (pre- and postgraduate education) and standards in the field of application of advanced medical technologies in pilot HEIs and Centers of Excellence in accordance with international standards.

The project revises training programs in various areas, introduces standard operating procedures, strengthens the capacity of medical staff in partner institutions in 5 pilot regions (Andijan, Namangan, Ferghana, Samarkand, Nukus, Tashkent).

International experts of consulting company "Management4health" together with partner institutions are implementing activities on updating educational programs and standard operating procedures following the mandate of the project.

In the past, GIZ has also implemented VET projects in various sectors such as housing and utilities, information and communication technologies, including joint projects with the German Development Bank "KfW".

Approaches used in VET projects

The approaches used to implement VET projects are aimed at developing the capacity of the vocational education system actors at the macro-, meso- and micro-levels to ensure high quality vocational education focused on the needs of employers, in line with the reform agenda of the Government of Uzbekistan. Among the approaches already used and planned to be used in project work, the following can be highlighted:

Management and organizational issues are critical in ensuring sustainability. Success is determined not only by a strong organizational structure, but also by the skills and expertise among the organization's staff. In this regard, more and more attention is paid to professionalization of management and capacity building of staff of partner organizations, such as the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education (MHSSE), Ministry of Employment and Labor Relations, Institute of Pedagogical Innovation,

Retraining and Professional Development of Management and Professional Education Staff under the MHSSPE, "Uztekstilprom" Association, Food Industry Association, etc. Besides, great attention is being paid to the development of key qualifications - general professional knowledge, capabilities and skills, as well as personal qualities and skills required to perform work in a certain group of professions. Moreover, in order to carry out joint actions, the project plans to train the staff of the organizations in the necessary tools, skills and approaches.

Strengthening the network of partner organizations in order to generate, distribute and use resources together to meet project goals on a sustainable social partnership basis provides a framework for institutional development. The projects strive to ensure that participating institutions are able to quickly and systematically implement the VET reform initiated by the President of Uzbekistan. It is necessary for success of VET that the business community will understand the benefit of its participation in the VET reform and in its implementation. The coordinating role in this process of developing the VET system belongs to the MHSSE and should be recognized by all institutions involved. In addition, with the support of GIZ projects, MHSSE will establish all necessary legislative and administrative conditions to launch VET curricula that have been modified together with the private sector as a result of project progress.

The expected impact of the projects is that the systemic and systematic involvement of all key actors and, in particular, the business community (organized economy) will ensure that the VET reform is demand-driven and that the goals of the reform are effectively and cost-effectively achieved, based on the example of selected sectors of the economy.

Constant monitoring and adjustment of professions in accordance with changes in the labor market is necessary to ensure flexible and quick response to the needs of the labor market and create an effective system of dual vocational education in Uzbekistan. Taking into account the experience of Germany, the review and analysis of the profession lasts about 9-12 months, and then the private sector takes into account the seriousness of the arguments for making changes[1]. In Uzbekistan, these activities are carried out by the Industry Councils for the Development of Professional Qualifications and Competencies .

On the other hand, there are often changes in the vocational qualifications themselves, but reporting such changes requires proper **marketing activities targeting students and employers.**

ISSN 2181-3841

Professional orientation and information

Students rarely have any power to influence the offer and content of future qualifications. They are often poorly informed about the expected learning outcomes and the possibilities for career development that are offered. We would like to emphasize professional orientation as another approach, the importance of which we plan to demonstrate through our projects. As a result of the development projects, students should not only become consumers of education and training programs, but also recipients of competencies and skills.

Career guidance and information play an important part in ensuring openness. Although students do not necessarily have to be informed about the qualifications frameworks as such, they should receive appropriate advice about how they can organize their learning pathways, and such information should be accessible and understandable to them. In addition, projects face another challenge: Should career guidance focus on developing planned schemes to make appropriate decisions, or should it be personalized?

Consultative support

What can the labor sector offer in the region, what are the training conditions, what are the specifications of the companies that are ready to accept future employees, etc.? Young people are facing these and other questions before they are able to make an informed choice of their profession. Among other things, it is necessary to consider such important factors in choosing a profession such as the attractiveness of the company, the accessibility / remoteness of the place of residence from the company, opportunities to plan leisure time, the reaction of peers and parents, social recognition, the position and prospects of the career. In this regard, the project on "Supporting the Process of Reform and Modernization in the Vocational Education System of Uzbekistan" envisages developing an Internet platform designed to provide stakeholders with information and consultative support.

Summary

In this article we have tried to briefly highlight the activities of the TC projects supported by GIZ on behalf of the German Federal Ministry for Economic Cooperation and Development in Uzbekistan. A special focus in the article is made on the approaches, which are imposed by the current conditions and accumulated experience for effective implementation of VET reforms in Uzbekistan at the present time. We would like to note that the significant success factor of all supported projects is the constructive and close cooperation partnership with the relevant stakeholders and particularly the MHSSE.

1. Cedefop (2020). Vocational education and training in Germany: A brief description. Luxembourg: European Union Publications Office. http://data.europa.eu/doi/10.2801/121008
2. Order of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the qualifications assessment system and provide the labor market with qualified specialists".https://lex.uz/docs/5203492

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Диёрбек ҚЎЧҚАРОВ,
Педагогика фанлари номзоди

Мақолада профессионал таълим тизимини такомиллаштиришда ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда хорижий тажрибаларни ўрганиш, профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга берилиши кўзда тутилаётган ҳуқуқлар ва улардан кутилаётган натижалар баён этилган.
Калит сўзлар: Профессионал таълим, меҳнат бозори, ўрта бўғин кадрлар, дуал таълим, таълим дастурлари, касбий кўникмалар.

В статье ускорение реформ в области совершенствования системы профессионального образования и изучения зарубежного опыта развития профессиональных навыков будущих специалистов, предусмотренных прав на министерства и ведомства с учреждениями профессионального образования и ожидаемые результаты из них описаны.
Ключевые слова: профессиональное образование, рынок труда, кадры среднего звена, дуальное образование, образовательные программы, профессиональные навыки.

Жаҳон таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳамда қадриятларнинг ўзгариши педагогик жараёнларга методик ёндашувлар ва инновацион технологияларни самарали татбиқ этишни тақозо этмоқда. Европа Иттифоқи ва ЮНЕСКО ташкилотлари томонидан қабул қилинган Сарбон декларацияси (Sorbonne Declaration), Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs)) ва Иллинойс университети (АҚШ) "IEARN" ва "KIDLINK" минтақавий таълим дастурлари мутахассис тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

Жаҳонда касбий малакалар тўғрисидаги Лиссабон Конвенцияси (Convention on the Recognition of Qualification concerning Higher Education in the European Region) ва ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатларда таълим олувчиларнинг глобал кўникмаларини ("global skills") шакллантиришнинг инновацион технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича кўплаб амалий қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда ҳам замонавий таълим тенденцияларига мос бўлган профессионал таълим тизими жорий этилди. Ҳозирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислоҳотларни жадаллаштириш ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислоҳотларни жадаллаштириш ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришда Германия, Хитой, Корея, Қозоғистон ва Беларус каби хорижий давлатлар тажрибаларини ҳамда ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда вазирлик ва идораларнинг ваколатлари ва уларнинг иштирокини ўрганиш муҳим саналади.

Ривожланган давлатларда профессионал таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўқув-методик

ISSN 2181-3841

раҳбарлик қилиш Германия таълим ва илмий тадқиқотлар вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси таълим вазирлиги, Қозоғистон Республикаси фан ва таълим вазирлиги томонидан амалга оширилиши аниқланди.

Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислоҳотларни жадаллаштириш ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришда тасарруфида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга қуйидаги ҳуқуқлар берилиши ушбу ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмак беради:

- профессионал таълим муассасаларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино ва иншоотларини ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўқув курслари ташкил этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ижарага бериш;
- профессионал таълим муассасаларидаги бўш турган ер участкалари, бино ва иншоотларда таълим муассасасининг тайёрлов йўналишларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасаси таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиш;
- профессионал таълим муассасасининг ўқув-амалиёти жараёнида ишлаб чиқарилган ярим тайёр, тайёр маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) намойиш қилиш ва сотиш;
- ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сотишдан ҳамда бўш турган бино, иншоотлар, ўқув-тажриба майдонлари ва ер участкаларини ижарага беришдан тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини, хорижий адабиёт ва ўқув қўлланмаларни харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, ўқувчиларга стипендия тўлаш учун мустақил сарфлаш;
- дуал таълим шаклини жорий қилган профессионал таълим муассасаларига бўйсунувидаги вазирлик ёки идоралар билан келишилган ҳолда мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш;
- профессионал таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиқиб ўқувчилар учун стипендия ёки моддий рағбатлантиришлар тизимини жорий этиш;
- дуал таълимда иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дуал таълим шакли жорий қилинган профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини тизимли равишда назорат қилиш ҳамда уларнинг рейтингини тузиш;
- профессионал таълим муассасаларининг маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан тўғридан-тўғри кадрлар тайёрлаш ва қисқа муддатли ўқув курсларни ташкил этиш бўйича шартномалар тузиши;
- давлат-хусусий шериклик шартлари асосида нодавлат таълим ташкилотлари томонидан "Таълим кластерлари" ҳамда таълим хизматларини ташкил этиш.

Ушбу белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- профессионал таълим муассасаларидаги бўш турган ер участкалари, бино ва иншоотларда таълим муассасасининг тайёрлов йўналишларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича таълим

муассасаси таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиш имконияти вужудга келади;

- ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сотишдан ҳамда бўш турган бино, иншоотлар, ўқув-тажриба майдонлари ва ер участкаларини ижарага беришдан тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини, хорижий адабиёт ва ўқув қўлланмаларни харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, ўқувчиларга стипендия тўлаш учун мустақил сарфлаш ҳуқуқи берилади;
- профессионал таълим муассасаларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино ва иншоотлари ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига касб-ҳунар, хорижий тиллар ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курсларини ташкил этиш учун ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ижарага бериш амалиёти йўлга қўйилади;
- профессионал таълим муассасаларига бўйсунувидаги вазирлик ёки идоралар билан келишган ҳолда дуал таълим шаклини мустақил равишда жорий қилишга рухсат этилади;
- дуал таълим шаклини жорий қилган энг яхши 100 та профессионал таълим муассасаларига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 60 баробари миқдорида маблағ ажратилади. Бунда профессионал таълим муассасасига ушбу маблағларни ходимларни моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ишлатишга рухсат этилади;
- профессионал таълим муассасалари ички имкониятидан келиб чиқиб, дуал таълимда иштирок этаётган иш берувчиларнинг ўқувчиларга бириктирилган устозларини моддий қўллаб-қувватлашига рухсат этилади;
- дуал таълимда иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дуал таълим шакли жорий қилинган профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёни тизимли равишда назорат қилиб борилади ҳамда уларнинг рейтинги тузиб борилади;
- давлат-хусусий шериклик асосида меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилади;
- профессионал таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий сектор салмоғини кенгайтириш мақсадида нодавлат коллеж ва техникум ташкил этиш учун хусусий сектор вакиллари таклифларини ўрганиш йўлга қўйилади;
- профессионал таълим муассасалари битирувчилари келгусида ўз ишларини бошлашлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга кредит ва субсидия бериш тизими жорий этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида" 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарори.
3. Исмадияров Я.У. Современное состояние инновационного менеджмента в системе высшего педагогического образования // -Тошкент, Педагогика. 2017. – №2,– С. 59-67.

ISSN 2181-3841

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Санобар АШУРОВА,
педагогика фанлари номзоди, профессор, Педагогик инновациялар институти бўлим бошлиғи,
Лазиз ГАФФАРОВ,
Педагогик инновациялар институти таянч докторанти

Мақолада Янги Ўзбекистонда компетентли ёндашувга асосланган профессионал таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ўқув жараёнида фанларни табақалаштиришдан фанлараро интеграцияга ўтиш масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Профессионал таълим, давлат таълим стандартлари, касблар ва мутахассисликлар малака талаблари, ўқув режаси ва дастурлари, малака талаблари, компетентли ёндашув.*

В статье говорится о разработке и совершенствовании стандартов профессионального образования на основе компетентностного подхода в Новом Узбекистане, переходе от дифференциации предметов к междисциплинарной интеграции в образовательном процессе.

Ключевые слова: *Профессиональное образование, государственные образовательные стандарты, квалификационные требования к профессиям и специальностям, учебные планы и программы, квалификационные требования, компетентностный подход.*

Мамлакатимиздаги профессионал таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш, Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизимини тўлақонли жорий этиш ҳамда тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига эришиш мақсадида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимига асос солинди.

Ислоҳотлар натижасида янги бошланғич профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлайдиган касб-ҳунар мактаблари, ўрта профессионал таълим тизимида коллежлар, ўрта махсус профессионал таълим тизимидаги техникумлар ташкил этилди. Бу эса профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сон қарори 16-бандида таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари, касблар ва мутахассисликлар малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, таянч профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларининг тажрибали мутахассисларидан иборат таркибда муаллифлар жамоаси шакллантирилиши, давлат таълим

стандартлари ва малака талаблари тегишли касб ва лавозимларнинг профессионал стандартлари ёки малака талаблари асосида ишлаб чиқилиши ҳамда ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, томонидан тасдиқлангандан сўнг таълим жараёнига жорий этилиши белгилаб берилган.

Янги стандартларни қўллаш амалиёти профессионал таълим соҳасида бир нечта йўналишларни қисқартириш ва яхлитлаш имконияти мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Профессионал таълим стандартлари компетентли ёндашувга асосланган бўлиб, уч хил талаб қўяди:

1. асосий касбий фан дастурини ўзлаштириш натижаларига
2. асосий касбий фан дастури мазмунига
3. асосий касбий фан дастурини қўллаш соҳасига

Кўриниб турибдики, бундай таълим стандарти таълим мазмунини белгилашни камайтиради.

Асосан унинг натижаларини шакллантириш аниқлигига урғу берилади.

Профессионал таълим натижаларига компетентли ёндашув замонавий таълим ислоҳотлари асосига қурилади. Компетентли ёндашувни амалга ошириш профессионал таълим сифатини таъминлайди.

Профессионал таълимда компетентли ёндашув ғояларига мурожаат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва педагогик шарт-шароитлар орқали ҳаётга кириб келган. Аввало, бу бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнлари билан боғлиқ. Бозор замонавий мутахассисга интеграллашган, ўз универсаллиги билан фарқ қилувчи янги талабларни қўяди. Улар динамик бўлиши ҳамда жамият, иқтисодиёт ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларига жавоб бериши керак.

Ҳозиргизамондаходимнингқиймати стандартлаштирилган профессионал фаолиятда шаклланган қобилияти билан эмас, балки муаммоли вазиятларда мустақил ва масъулиятли ҳаракат қилиши билан белгиланади. Истиқболли ривожланиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчи И.А.Радченконинг таъкидлашича: "Тезлашиб бораётган иқтисодиёт шароитида корхоналарда умрбод ишловчи иш ўринларини яратиш масаласи илгари сурилади. Ёлланма ишчиларнинг лойиҳаси жуда тез эскиради. Иш жойларининг ишончсизлиги ортиб боради, ходимлар қисқа муддатли лойиҳалар ва жамоаларга мослашувчан бўлиб, битта фирмага тегишли эмас (out-sourcing). Улардан олинаётган соҳага компетентлик талаб қилинади. Иш излаётган одамлар универсал бўлиши керак ("компетентлар портфолиоси" – Portfolio-Workerни эгаллаши керак): улар ўз истеъдодлари ва амалий тажрибасига асосланган кўп қиррали қобилиятга эга бўлиши лозим. Улардан вазифани бажариш эмас, балки муаммоларни ҳал қилиш қобилияти талаб қилинади. Ходимлар бозор шароитида мустақил жавобгарликни ҳис қиладилар (intra-preneura).

Компетентли ёндашув доимо ўзгарувчан ва қийин ҳолатларда ҳаётга тайёр мутахассисни профессионал тайёрлашга қаратилади. Бу ёндашув таълимни ривожлантиришни таъминлайди.

Бугунги кунда битирувчининг таълим тўғрисидаги ҳужжатини олиши

ISSN 2181-3841

билан у эскириб боради. Замонавий мутахассис мисли кўрилмаган, нотаниш касбий вазиятларга мослашувчан касбий компетентлик ва интеллектуал технологияларни ўзлаштириши керак. Бу профессионал таълимнинг юқори даражада мослашувчанлиги, ўзгарувчан меҳнат бозори талабларининг доимий созланишини таъминловчи янги механизмлардан фойдаланиши билан белгиланади. Ҳозирда таълим мазмунини бир хилда стандартлаштириш мумкин эмас. Бу профессионал таълимнинг янги стандартлари ўқув дастурларини ўзлаштириш натижаларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқади.

Компетентли ёндашув билимларни инкор қилмайди, балки унинг "бўшлиқлар"ини тўлдиради. Анъанавий билим, кўникма ва малакалар компетентликни шакллантириш воситаларига айланади. Фақат фандан олинган билимлар билан профессионал таълимни бойитиб бўлмайди, битирувчининг (бир хил таълим даражасида) рақобатбардошлигини белгиловчи шахсий ва ижтимоий компетентликни ҳам ривожлантиришга етарли эътибор бериш керак. Аслида компетентли ёндашув мутахассиснинг яхлит, интегратив характеристикасини шакллантиришга имкон беради. У талабага мослаштирилган таълимга қаратилади. Ўқув жараёни натижасига нисбатан фаннинг талаблари компетентли битирувчини шакллантиради, фанларни табақалаштиришдан фанлараро интеграцияга ўтиш имконини беради, шунингдек, назарий ва амалий машғулотларни интеграциялайди.

Профессионал таълим стандартларини ягона тамойилларга лойиҳалаштириш таълим босқичларининг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Масалан, бошланғич ва ўрта махсус, профессионал таълим олий таълимдан фарқли равишда юқори функционаллик ва амалий йўналишга эга.

Бошланғич ва ўрта махсус профессионал таълим стандартларини лойиҳалашда модул тушунчаси шаклланди, шу туфайли компетентликка асосланган ўзига хос шакл – модулли компетентлик келиб чиқди. Модулли компетентликка асосланган ёндашув компетентли ёндашувни технологик ўрганиш натижасида касб таълими тизимида қўлланила бошланди, ундан бошланғич ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида фойдаланиш ва амалга ошириш жуда қулай эди.

Бир қатор халқаро лойиҳалар доирасида бошланғич ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига мослаштирилган модулли ўқув материалларини ишлаб чиқиш шуни кўрсатадики, модулли компетентликка асосланган таълимнинг яхлит методик ва тушунча-атамалар базасини яратишга жиддий ёндашиш керак, чунки модулли ўқув материалларини ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар учун изчиллик ва шаффофлик таъминланиши керак. Ижобий хорижий тажриба билан бир қаторда модулли таълимнинг методик базаси дунё амалиётига яхши маълум ва кенг фойдаланиладиган дидактик анъаналар билан узвийликни таъминлаши керак. Бу иш 2005 йилда касбий таълим марказида бошланган эди. Натижада таълим стандартларини лойиҳалашда модулли компетентликка асосланган ёндашув методологияси ва унинг талабларини амалга ошириш методикаси яратилди.

Ушбу ёндашувнинг мазмунини ёритувчи ўзига хос хусусиятларни санаб ўтамиз:

- таълим мазмунини қуришда "билим"дан "фаолият усуллари"га ўтиш;
- профессионал таълим мақсадлари — натижаларидан касбий фаолият тавсифларигача бўлган ҳаракат, кейинчалик таълимга мос ташкилий шакл, методлар ва мазмунни танлаш;
- таълим соҳаси учун аҳамиятли мақсадларга йўналтириш;
- стандартлар ва дастурларни ишлаб чиқувчиларнинг иш берувчиларнинг ходимлар билими ва малакасига бўлган талаблари бўйича доимий тескари алоқанинг мавжудлиги;
- ўзига хос касбий фаолиятни шакллантириш учун мўлжалланган "касбий модул" – етакчи тушунчаси.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар амалиётида профессионал таълим стандартларини ишлаб чиқишга бир қатор технологик ёндашувлар шакллантирилган.

Уларнинг барчаси меҳнат фаолиятининг, унинг вазифалари ва натижалари орқали тавсифланиши таҳлилига асосланган. Ушбу таҳлил бир неча босқичда амалга оширилади:

1. Эҳтиёжларни кўникмаларда таҳлил қилиш, у саноатнинг турли тоифадаги ходимларга бўлган ҳақиқий талаблари ва истиқболни аниқлаш мақсадида муайян касбий соҳа (касб) да иш берувчиларнинг фаолият стандартларига қўядиган талабларини назарда тутади. Касбий таълим тизими маҳоратли кадрларни тайёрлашда қандай ишларни бажариш кераклиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

2. Таълим стандартлари ва ўқув дастурларини модулли компетентли ёндашув асосида яратиш стандартлар ва дастурларни ишлаб чиқувчиларнинг, иш берувчиларнинг ходимлар билими ва малакасига бўлган талаблари бўйича доимий тескари алоқани назарда тутади. Ушбу талаблар ҳақида бир неча манбалардан: биринчидан, меҳнат бозорини таҳлил қилиш орқали, иккинчидан, кўникмаларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш орқали, учинчидан, турли тариф-малака маълумотномаларидан маълумот олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. www.lex.uz.
2. Радченко И.А. Развитие системы профессионально-технического образования на Украине в конце XIX в. Дис. ... канд. пед. наук. - Киев. 1991. – 168.
3. Международная стандартная классификация образования (МСКО-2011) // http://www.uis.unesco.org/Education/Documents/isced-2011-ru.pdf
4. http://www.edu.uz

ISSN 2181-3841

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Феруз ҒАФФАРОВ
Педагогик инновациялар институти (DSc) докторанти

Ўзбекистонда профессионал таълим тизими тараққиётнинг янги босқичига – информацион босқичга ўтаётган жамият эҳтиёжларига мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш" ва "илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш" устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Республикада иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инновацион технологик жараёнлар ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи мутлақо янги касб-ҳунар таълими муассасалари тармоғини шакллантиришни талаб этмоқда.

Албатта, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тизимда жиддий ва катта кўламдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, меҳнат бозорининг талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, собиқ тизимдаги муаммоларни бартараф этиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йилларда профессионал таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатимизда профессионал таълимнинг ривожланиш тарихи 1960-йиллардан бошланади.

Юқоридаги даврларга назар ташласак, дастлаб барча йирик корхоналар ҳузурида, фабрика-заводларда ўқувчилар учун касбга ўргатиш курслари ва саноат-техника ўқув юртлари ташкил этила бошланган.

1961–1964 йиллар давомида республикадаги барча меҳнат захиралари ўқув юртлари ягона шаҳар ва кишлоқ ҳунар-техника билим юртларига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири маълум соҳалар бўйича ихтисослаштирилиб, малакали ишчилар тайёрлашга киришилган.

1970-йилларнинг охирига келиб, оммавий равишда ўрта маълумотли ишчилар тайёрлашга ўтилган ва ана шу даврга келиб, ҳунар-техника таълими соҳасига оид илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишлар олиб бориш фаолияти фаоллашди.

1981–1986 йиллар инқирозолди даврини ўзига қамраб олган босқич ҳисобланади. 1980-йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб республика касб-ҳунар таълими ривожланишида кадрлар тайёрлаш миқдори билан ижтимоий ва халқ хўжалиги талаблари орасида номутаносиблик ҳолатлари, яъни зиддиятлар кўзга ташлана бошланган.

1991–1996 йилларни ўзига қамраб олган давр мослашувчанлик даври бўлиб, 1990-йилларнинг бошларида ҳунар-техника таълими тизимининг кўплаб миқдор кўрсаткичларининг камайиши секинлаша борди. Демак, бу танглик даври босиб ўтилганлигидан гувоҳлик берар эди. 1992 йилга келиб секин-аста тайёрланган мутахассис кадрлар ва ўқув юртлари сони ҳам барқарорлаша бошлади. 1993 йилга келиб ҳунар-техника таълимига қабул қилишда ортиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Мамлакатимизда 1998–2008 йиллар мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи бунёд этилди, реконструкция килинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадал-лашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос малака ва кўникмаларга эга рақобатбардош ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни, касб-ҳунар таълим соҳасида янги тизимни – халқаро андозаларга мос профессионал таълим тизимини

ISSN 2181-3841

яратишни талаб қилди.

Меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган эҳтиёжларнинг шаклланишида ва иш берувчиларнинг талабларида битирувчининг маълумот даражасига қўшимча равишда уларда амалий кўникмалар, яъни тегишли компетенциялар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар томонлама пухта ўйланган таълим тизимини яратиш тақозо этилади.

Халқаро таълим тизими билан Ўзбекистон таълим тизимининг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш орқали битирувчиларнинг малакалари халқаро меҳнат бозорида ҳам тан олинишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномасида юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соҳада мутлақо янги профессионал таълим тизимини йўлга қўйиш бўйича устувор вазифалар, хусусан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникумларни ташкил этиш, миллий малака тизимини ишлаб чиқиш ва натижада 9000 га яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бундан 3 йил муқаддам муҳтарам Президентимиз томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги хато ва камчиликлар, ўзини оқламаган жиҳатлар ўринли танқид қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5313-сонли Фармони билан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва туб ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатди ҳамда касб-ҳунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Шунинг учун бу муаммоларни чуқур ўрганиб, уларнинг ечимини топиш, **касб-ҳунар таълими тизимининг шаклан ва мазмунан мутлақо янги тармоғини яратиш** мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ 5812-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, **Ўзбекистонда мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими** барпо этилиши белгиланди.

Талаб ва мақсад битта – энди профессионал таълим муассасаларида ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур илмга, кўникмага эга бўлиши шарт.

Янги тизимнинг асосий принципи – **аввал иш ўрни аниқ бўлади**, иш берувчи ўзининг **малака талабларини, шу касбнинг илмини, ўқитиш технологиясини беради**, шундан кейингина мутахассис тайёрланади.

Яратилаётган янги тизим халқаро андозаларга тўла мос бўлиши белгиланган.

Шу мақсадда **14 та халқаро ташкилотлар** билан ҳамкорликда **ривожланган хорижий мамлакатларнинг муваффақият қозонган тажрибалари ўрганилди**.

Германия, Швейцария, Корея, Туркия ва Хитой ҳамда ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Осиё тараққиёт банки, Европа таълим фонди, Туркия ҳамкорлик агентлиги, Хитойнинг Университетлар

Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз. Мана шундай беқиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак.

Ш. Мирзиёев

уюшмаси **каби қатор хорижий давлат ва ташкилотлардан 214 нафар** нуфузли халқаро экспертлар жалб этилди ва улардан зарур хулосалар олинди.

Шу асосда касб-ҳунар таълимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, узлуксиз касбий таълим тизимини реал иқтисодиётнинг барча тармоқларига татбиқ этиш масалаларига аниқлик киритилди.

Шундан келиб чиқиб, энди касб-ҳунар таълими тизимида таълим шакли ҳам, мазмуни ҳам, принциплар ҳам мутлақо ўзгарди.

Эндиликда аввалги 3 йиллик таълим стандартидан тўлиқ воз кечиб, табақалаштирилган таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ишчи касблар билан ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш тизими бир-биридан тўлиқ ажратилади. Ишчи касблар алоҳида ўқув режа ва дастурлар асосида **6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатларда ўқитилади**. Ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш учун эса камида **2 йил** этиб белгиланади.

Фармонга мувофиқ, профессионал таълим муассасалари мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги тоифаларга ажратилди:

Биринчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 3-даражасига мос келувчи дастурлар асосида 9-синф битирувчилари таркибидан ёшларнинг профессионал таълим олишини таъминлайдиган **339 та касб-ҳунар мактаблари** ташкил этилди.

Касб-ҳунар мактабларида ўзлаштириш кўрсаткичлари ва умумтаълим фанларига қизиқиши пасайиб бораётган 9-синф битирувчилари 2 йиллик таълим дастурлари асосида ўқитилади.

Бу тоифа ўқувчиларни мактабда мажбурлаб ўқитишдан кўра, касбга ўргатиш, малакали мутахассис сифатида меҳнат бозорига кириб келишига кўмаклашиш яхшироқ самара беради.

Ёшлар ўқишга қабул қилинган кундан эътиборан ўз шахсий бизнесини бошлаши ва битирган пайтда **барқарор тадбиркорлик фаолиятига, аниқ иш ўрни ва даромадига эга бўлиши пировард мақсад қилиб қўйилган.**

Иккинчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи дастурлари асосида иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, хорижий

ISSN 2181-3841

инвестицияларни жалб қилиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар асосида яратиладиган янги иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдиришга йўналтирилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тизимида фаолият кўрсатадиган **199 та** коллежлар фаолият кўрсатади.

Бунда кадрлар тайёрлаш касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорига мослашувчан таълим дастурлари асосида умумтаълим мактабларининг 1**1-синф битирувчилари таркибидан 2 йилгача** муддатда ташкил этилади.

Ҳар бир йирик корхона, кластер, вазирлик ва идора ўз йўналишида меҳнат бозорини пухта ўрганган ҳолда жорий ва истиқболда яратиладиган иш ўринлари, кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ўрта бўғин мутахассисларига **малака талабини беради**, буюртмалар портфелини шакллантиради.

Учинчи тоифа – Таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган, вазирлик, идора, ташкилотлар тизимида фаолият кўрсатадиган **187 та техникумлар** ташкил этилди.

Бунда олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциялашган **кичик бакалавр** тайёрлаш бўйича кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида камида **2 йил муддатга** мўлжалланган таълим дастурлари амалиётга жорий этилади.

Қолаверса, алоҳида қарор билан Адлия вазирлиги тасарруфидаги ҳуқуқшунослик коллежлари шу тизимга ўтди. Яъни **2 йиллик таҳсилдан сўнг техникум ўқувчилари олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириш имконига эга бўлади**.

Профессионал таълимнинг **янги тармоғида** фаолият кўрсатадиган директорлар, директор ўринбосарлари, ўқитувчи педагоглар, ишлаб чиқариш усталарини саралаш, танлаш, тайинлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш, уларнинг мақомини белгилаш ва меҳнатини рағбатлантиришнинг янги тартиблари ишлаб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган Фармонга мувофиқ давлатимиз раҳбари томонидан тизим олдига **мутлақо янги узлуксиз профессионал таълим муассасалари тармоғини яратишдек** жуда катта, кенг кўламли, мураккаб вазифа қўйилди.

Ана шу вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим шарти бўлган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш масаласининг ижобий ҳал этилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5313-сонли Фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сонли Фармони. www.lex.uz

МСКО даражаларига уйғунлашган профессионал таълим дастурлари жорий қилинди

Халқаро WorldSkills стандартлари асосида 11 та касбга сингдирилди

Касбий стандартлар асосидаги таълим дастурлари

862 та КАСБИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

- **322та** Бошланғич профессионал таълим — **107 та**
- **406та** Ўрта профессионал таълим — **166 та**
- **134та** Ўрта махсус профессионал таълим — **101 та**

Профессионал тизимига кириб келган
ЯНГИ ТУШУНЧАЛАР

Миллий малака рамкаси
Умумий ва касбий компетенциялар
Тармоқ малака рамкаси
Компетенциялар матрицаси
КРЕДИТ-МОДУЛЬ
Баҳолаш индикаторлари
ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ
Ўқитиш натижалари
WorldSkills стандартлари
Дуал таълим
Меҳнат функцияси
Касбий стандартлари
Малакаларни баҳолаш
Ҳаёт давомида таълим олиш
Меҳнат ҳаракати

ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ Жалб этилган экспертлар ва мутахассислар

Профессионал таълим даражалари	ПТМдан	ОТМдан	Иш берувчилар-дан
Бошланғич профессионал таълим	203	75	60
Ўрта профессионал таълим	311	102	127
Ўрта махсус профессионал таълим	178	156	72
Жами	692	333	259

2021/2022 ўқув йилида ишлаб чиқилган таълим дастурлари https://dastur.edu.uz/ сайтига муҳокома учун жойлаштирилди

ISSN 2181-3841

МАЗМУНИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ

Дуал таълим 30 профессионал таълим муассасаларида 8 та касб бўйича жорий қилинди

Тадбиркорлик ва даромад қилишга ўргатиш учун Бизнес асослари ва Бизнесни ташкил этиш ва юритиш фанларини ўқитиш йўлга қўйилди

Касбий ва умумкасбий компетенциялар касбий фанлар ва амалиётларга боғланди.

Ишчи ўқув режаларни 20 %гача, ўқув дастурларни 30%гача ўзгартириш ваколати берилди.

Ўқув режаларда 30-40 % назарий таълим, 60-70 фоиз амалий таълим режалаштирилмоқда.

Ўқув жараёни графиги ва фанларни семестрлар бўйича тақсимоти профессионал таълим муассасаларига берилди. Малака оширишнинг янги тизими ташкил қилинди.

Табақалаштирилган таълим дастурлари дипломлари жорий қилинди. QR-код.

Қисқа муддатли курслар (квалификациялар) сертификати жорий қилинди. QR-код.

62 та ИШ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

- 16 та Вазирликлар
- 2 та Инспекциялар
- 8 та Қўмиталар
- 6 та Агентликлар
- 2 та Кенгашлар
- 7 та Уюшмалар
- 4 та Комбинат ва компаниялар
- 5 та Акциядорлик жамиятлари
- 12 та Бошқа ташкилотлар

ИШЛАБ ЧИҚИШ

МСКО ЭВОЛЮЦИЯСИГА НАЗАР

МСКО 1976 → МСКО 1997 → МСКО 2011 → МСКО-О 2013 → ISCED-F 2013

МСКОда таълим дастурларига қўйилган асосий талаблар

1. Билим
2. Кўникма

→

1. Билим
2. Кўникма

→

1. Билим
2. Кўникма
3. Компетенция

→

1. Билим
2. Кўникма
3. Компетенция

→

1. Билим
2. Кўникма
3. Компетенция

Тасдиқланган таълим дастурлари QR-код орқали http://edu.profedu.uz сайти билан боғланган. Сайт барча учун очиқ

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Г. К. АБДУРАХМАНОВА,
Проректор Ташкентского Государственного экономического университета,
д.э.н. профессор,
Азиза ГАНИЕВА,
Докторант института переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций

В статье рассматриваются проблемы подготовки специалистов и коренное изменение качества образования, что обусловлено необходимостью современного производства в универсальных специалистах, ориентированных не только на выполнение установленных функций по заданному алгоритму, но и на умение решать проблемные задачи, находить выход из сложных производственных ситуаций, предвидеть последствия принимаемых решений.
Ключевые слова: *Специалист, среднее звено, требование рынка труда, профессия широкого профиля, квалификационные требования, профессиональные и общие компетенции, система профессионального образования. Профессиональные школы, колледжи, техникумы.*

Мақолада мутахассисларни тайёрлаш муаммолари ва таълим сифатининг тубдан ўзгариши ҳақида сўз боради, бу универсал мутахассисларда замонавий ишлаб чиқариш зарурати билан боғлиқ бўлиб, нафақат маълум бир алгоритм бўйича белгиланган функцияларни бажаришга, балки муаммоли масалаларни ҳал қилиш қобилиятига ҳам қаратилган.
Калит сўзлар: *Мутахассис, ўрта алоқа, меҳнат бозори талаби, кенг профилли касб, малака талаблар, касбий ва уммумий компетенциялар, профессионал таълим тизими, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар.*

В начале третьего тысячелетия при подготовке компетентных специалистов в педагогике остро стоит вопрос о формировании их культуры, в которой соединяются высокий профессионализм, интеллигентность, социальная зрелость, творческое начало и другие личностные качества. В решениях ЮНЕСКО определяется круг компетенций, которые должны рассматриваться всеми как необходимый результат образования.

В сегодня в современном Узбекистане происходят существенные изменения во всех сферах деятельности: социальной, экономической, политической и образовательной. Главной целью образования является формирование профессионально и социально компетентной личности, способной к творчеству и социальной активности в условиях высокой конкуренции, физически здоровой и обладающей качествами гражданина-патриота. Профессиональна система образования с ориентирована на подготовку профессионалов на основе компетентностного подхода. В качестве одного из методологических решений поставленной задачи в структуре образовательного стандарта профессионального образования были выделены общие и профессиональные компетенции, которые обеспечивают успешную подготовку выпускников различных уровней и специальностей.

МАҚОЛАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎҚИШ УЧУН

TO READ THE ARTICLE IN ENGLISH

Профессиональное образование в Узбекистане является важным звеном непрерывного образования, а именно

ISSN 2181-3841

подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров. На сегодняшний система профессионального образования направлено на подготовку компетентностных специалистов и позволяет обеспечить выполнение следующих задач:

- непрерывность и последовательность формирования у молодежи глубоких и прочных знаний, определяющих общекультурную, социальную и профессиональную компетентности;
- эффективную реализацию возрастной потребности подростков в профессиональной ориентации и практической направленности обучения;
- возможность своевременно, с учетом осознанно проявленных интересов, осуществлять ориентацию учащихся на дополнительную профессиональную специализацию и повышение уровня образованности;
- преемственность основных этапов процесса формирования профессионального мастерства.

Необходимо также отметить, что современное производство повышает требования не только к уровню квалификации, но и к широте профессиональной деятельности специалиста. Непрерывный рост информации обеспечивающей профессиональную деятельность работника предполагает формирование у него способностей к самообразованию, умению находить и использовать новые методы и технологии профессиональной деятельности и формирования компьютерной грамотности.

На сегодняшний день отмечена актуальность в отборе содержания и формирования дополнительного учебного блока, учитывающего особенности города и определенного работодателя. Отмечено что развитие производства, повышение его технического уровня, предопределили появление ряда новых профессий, требующих знания смежных видов труда и овладения профессиями различных образовательных уровней. В результате интеграции трудовых функций возникла также качественно новая форма расширения профессиональной деятельности учащихся – профессии широкого профиля обладающего высоким уровнем профессиональной и общей компетентности.

Выпускник профессионально образовательного учреждения должен иметь профессиональную квалификацию, необходимую для обеспечения конкурентоспособности выпускаемых товаров и оказываемых услуг.

В профессиональных школа, колледжах и техникумах созданы все необходимые условия для развития, саморазвития и самореализации личности обучающегося, в том числе и в воспитательном процессе. Для того чтобы образование и ввоспитание было содержательным и результативным в с профессиональных образовательных учреждениях были определены следующие задачи:

- профессиональное просвещение и создание образа будущей профессии;
- формирование профессионального интереса, приобщение к традициям и ценностям профессионального сообщества, нормам корпоративной этики;
- формирование и развитие профессионально-личностных качеств, обеспечивающих осуществление деятельности на квалифицированном уровне,
- трудолюбие, ответственности, самостоятельности, общественной активности;

- формирование здорового образа жизни, способности к физическому самосовершенствованию и развитию;
- создание условий для развития способностей обучающихся, их активной жизнедеятельности, гражданского самоопределения, самореализации и самосовершенствования;
- формирование гражданско-патриотической позиции, проявляющейся в заботе о благополучии страны, региона, профессионально образовательного учреждения.

Воспитание в профессионально образовательных учреждениях имеют также ряд преимуществ, которые выражаются в целостности, непрерывности, целенаправленности данного процесса с учётом профессиональной специфики, гражданственности, вариативности воспитательных подходов, нормативно-правовой базы.

От всего перечисленного зависит, насколько успешно у учащихся будут сформированы профессиональные и общие компетенции, необходимые им в дальнейшей профессиональной деятельности. В связи с этим возникает необходимость изучения всех ресурсов, которые используют для решения этой задачи профессионально образовательного учреждения.

В процессе многочисленных исследований были изучены основные формы и методы формирования общих компетенций у учащихся в процессе образовательно-воспитательной работы.

По результам исследований было определенно, что формированию профессионального сознания, интереса к выбранной профессии и понимания её социальной значимости способствуют деловые игры, психологические тренинги, конкурсы профессионального мастерства, конкурсы эрудитов по профессиональным дисциплинам, экскурсии на профильные предприятия, работа с социальными партнёрами, круглые столы, декады по специальности, мастер-классы по профессиям и специальностям, также определенно, что в настоящее время профессионально образовательные учреждения всё больше внимания уделяют расширению пространства социального партнёрства, которое является необходимым условием подготовки будущих специалистов, способствует формированию у них интереса к получаемой профессии, развитию профессиональных качеств. Взаимодействие «предприятие-профессионально образовательное учреждение-учащийся» позволяет работодателям ознакомиться с уровнем подготовки потенциальных специалистов, оценить профессиональную компетентность учащихся.

Важной составляющей профессионального воспитания в образовательных учреждениях является организация научных кружков и секций. Преподаватели, учитывая индивидуальные особенности и возможности учащихся используют различные методы диагностики для выявления их профессионального уровня и заинтересованности в выбранной профессии. На основе полученных результатов педагоги планируют свою деятельность таким образом, чтобы вовлечь в работу секций и кружков максимальное количество обучающихся и дать будущему специалисту возможность раскрыть весь свой потенциал и проявить творческие способности. Принимая участие в работе научно-практических конференций, представляя свои творческие работы на презентациях, беседуя с интересными людьми, посещая музеи и выставки по определённой

ISSN 2181-3841

профессии, студенты учатся оценивать себя и окружающих с точки зрения не только профессиональных качеств, но и моральных и эстетических идеалов .

Сегодняшний этап развития экономики и социальной сферы формирует новые требования к специалисту среднего звена. На первый план выходят такие профессиональные и личностные качества, которые позволят специалисту успешно адаптироваться жить и работать в новых социально-экономических условиях. Среди них следует выделить системное мышление, экологическую, правовую, информационную, коммуникативную культуру, культуру предпринимательства, умение осознавать себя и предъявлять другим, способность к осознанному анализу своей деятельности, самостоятельным действиям в условиях неопределенности, приобретению новых знаний, творческую активность, ответственность за выполняемую работу.

Это обуславливает необходимость перехода системы профессионального образования на реализацию модели опережающего образования, в основе которого лежит идея развития личности и самой системы профессионального образования. Обновление содержания образования и технологий обучения, широкое использование новых образовательных технологий, в том числе технологии «открытого образования», интерактивных форм обучения, проектных и других методов, стимулирующих активность обучающихся, формирующих навыки анализа информации и самообучения. Увеличение роли самостоятельной работы учащихся и студентов, обозначается современными исследователями как один из обязательных путей преодоления кризисной ситуации в сфере профессионального образования. Таким образом, анализ образовательно-воспитательной практики позволяет выделить востребованные и предпочитаемые учащимися формы воспитательной деятельности (расположены по степени их значимости для студентов): конкурсы профессионального мастерства, дуальное обучение, волонтёрское движение, студенческое самоуправление, социальные проекты и студенческие акции, деловые игры, мастер классы, интеллектуальные клубы, дни открытых дверей, спортивные и исследовательские кружки и секции.

Из простого фактора общественной и государственной жизни образование в Узбекистане становится подлинным субъектом преобразований социума, порождает новые формы общественной жизни, создавая тем самым условия становления жизнеспособного общества. Образование обретает статус механизма общественного и культурного развития регионов, страны в целом, становится пространством личностного развития каждого человека.

Подобная оценка социокультурной ситуации ставит вопрос о поиске тех способов работы в профессиональном образовании и с самим образованием, которые вернули бы ему историческую миссию: обеспечивать целостность общественной жизни, целостность различных общностей людей, выполняя одновременно функцию воспроизводства и сохранения и функцию развития социума, культуры.

Важнейшим признаком соответствия учебного заведения новым реалиям является его способность быстро развернуть подготовку по требуемым специальностям и введение новых направлений перспективной подготовки кадров, способных своевременно

реагировать на изменения в производстве, владеющих много функциональными умениями и навыками, адаптированных к быстроменяющимся условиям рынка труда.

Образовательный процесс в профессионально образовательных учреждениях совместим с воспитательным процессом именно поэтому воспитательную деятельность можно определить как организованный, целенаправленный педагогический процесс развития у учащихся профессионального интереса к получаемой профессии, формирования у них профессиональной культуры, становления личности профессионала. В профессиональных школ, колледжах и техникумах созданы все необходимые условия для развития, саморазвития и самореализации личности обучающегося, в том числе и в воспитательном процессе

Таким образом, сегодня в Узбекистане востребован особый интегративный тип работника – субъект социально-профессиональной деятельности, самобытная, активная личность и индивидуальность.

Однако существует комплекс проблем и противоречий, затрудняющих опережающее развитие образования в рамках личностно-развивающей парадигмы. Одна из этих проблем связана с не разработанностью теоретико-методологических оснований при определении целевых ориентиров образовательных систем учебных заведений.

Исходя из этого мы определили что специфика образовательной системы современного профессионального учреждения проявляется в его функциях: – культурологической (трансляция культуры, введение личности в культурное пространство); социализирующей (формирование у молодого поколения установок, ценностных ориентаций, жизненных идеалов, господствующих в обществе); личностно-развивающей (ориентация педагогического процесса на уникальную личность каждого конкретного ученика, на естественное саморазвитие его интеллектуального потенциала); целях и задачах: развитие индивида и его социализация засчет: концентрации содержания образования в колледже на саморазвитии обучающихся, организации самоизменения обучаемого и его саморазвития, обеспечения самосозидания личности.

Использованной литературы:

1. Германия IBC – Berufliche Bildung und Consulting GmbH . Дидактика и методика. Материалы семинара по повышению квалификации учителей специальных предметов и мастеров производственного обучения. Берлин, 2002.
2. Турақулов Х.А. Баркамол шахс тарбияси жараёни ҳақида // Ўқитишнинг янги педагогик технологиялари. – Ташкент: 2001. – стр. 34-42.
3. Хасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г., Хасанбоева О., Усмонбоева М. Педагогика. Учебное пособие. – Ташкент: Фан, 2006. – 282 стр.
4. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Ташкент: Ўқитувчи, 2004. – Б. 11-12.
5. Демин В.М. Приоритеты среднего и начального профессионального образования в деле повышения качества подготовки кадров // Начальное и среднее профессиональное образование. 2009. №4. – С. 206–211.
6. Какое среднее профессиональное образование нужно России в XXI веке? Сборник / Под общей редакцией В. М.Демина. Москва. 2003. – 288 с.
7. Среднее профессиональное образование. Конкурентоспособность выпускника на рынке труда // Сборник статей по материалам Республиканской выставки «Среднее профессиональное образование в Республике Карелия: высокое качество, открытость, конкурентоспособность». – Петрозаводск: Изд. Петр ГУ, 2006. – 208 с.

ISSN 2181-3841

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нарзулла МУСЛИМОВ,
ТДПУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яъни қабул қилинган қонун, фармон, қарор ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижобий таъсир қилиши шубҳасиздир. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган етук, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

Олий таълим тизимининг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаган ҳолда талабанинг ўқув режасидаги фанлар блокларини ўзлаштиришларини назарда тутади.

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларида дарс берадиган касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишга, унинг самарадорлигини таъминлашга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида ўз касбий билим ва малакаларини ошириш устида шуғулланмасликлари, кутубхоналарда мустақил таълим олиш учун керакли адабиётларнинг етишмаслиги, ахборот технологияларидан унумли фойдалана олмасликлари муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш учун талабаларнинг мустақил таълим олишини изчил тизимга келтириш керак.

Мустақил таълим олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу, айниқса, касбий тайёргарлик тизимида яққол намоён бўлади. Аждодларимиз ҳам ёш авлоднинг касб-ҳунар эгаллашига, етук, тарбияли, тараққиётга хизмат қилувчи инсон бўлиб етишишига аҳамият беришган.

Шарқнинг буюк алломалари ўз ижодларида меҳнат қилиш, касб-ҳунар эгаллашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдураҳмон Жомий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Югнакий ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар меҳнатни, касб-ҳунарни улуғлаганлар. Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1389) буюк нақшбандийлик таълимотининг асосчиси бўлиб, “Дил ба ёру, даст ба кор”, яъни “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деб ўргатганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида ҳунар ўрганишни, ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонида шундай ёзади: “Ҳунарни асрабон неткумдир охир, олиб тупроққаму кеткумдир охир”.

Юқорида санаб ўтилган буюк алломалар ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятларида касб-ҳунар эгаллашни улуғлаш билан бир қаторда касб-ҳунар

Техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробарга оширилади. Улар учун ҳам таълим кредити жорий қилинади. Хусусий таълим муассасаларида дастурлаш, веб-дизайн, анимация каби касбларни ўрганиш истагидаги ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Ш. Мирзиёев

эгаллашда мустақил иш бажаришнинг нақадар муҳимлигини таъкидлаганлар.

Мустақил таълимни ташкил қилишни педагогик муаммо сифатида В.И. Андриянова, П.Т. Магзумов, У.Н. Нишоналиев, Н. Сайидаҳмедов, А.Р. Ходжабоев, Қ.П. Ҳусанбоева, Р.К. Чориев, С. Матчанов, З. Нишонова, Т. Ниязметова, Ж. Толипова, Ў.Қ. Толипов, Б.М. Турдибаева, Н. Халилов, Ш. Шарипов, Ш. Юнусова ва бошқалар ўз ишларида тадқиқ қилганлар.

Педагог олимларнинг аксарият қисми мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини фаоллаштириш масаласига умумий муаммо сифатида қарайдилар. Жумладан, бу борадаги ишларнинг бир қисмида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил этишга шахс нуқтаи назаридан ёндашиш кўзга ташланади. Бунда у фаол, таълимда, касбий маҳоратини оширишда юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагоглик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда мустақил таълим муҳим омил сифатида қаралади.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Мустақил таълим шахснинг ўзи томонидан бошқарилишини эътиборга олиб, бу фаолият билан инсон эркин ҳолда ва истаган вақтида манбалардан ўзи танлаб, мақсад, восита, мазмун нуқтаи назаридан фойдаланиши мумкин.

Мустақил билим олишда автономлик – бу ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ва танлаш, уларни қийналмасдан ҳамда ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: "Мустақил фикрлаш – инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир".

Ёшларда мустақил иш бажариш кўникмаларини шакллантиришни турли ўқув предметларини ўқитишда амалга ошириш мумкин. Масалан, математик олимлар С.И. Демидова ва Л.О. Денишевалар мустақил таълимга

ISSN 2181-3841

Педагогик жараёнда талабаларнинг мустақил таълими икки турда амалга оширилади. Улар:

Аудитория мустақил иши – ўқитувчи назорати остида ўтказиладиган ҳамда мустақил топшириқларни бажаришда ўқитувчидан маслаҳат олиш имконияти мавжуд бўладиган жараён.

Аудиториядан ташқари мустақил иши – талабанинг ўқув-методик, илмий-тадқиқот иши бўлиб, ўқитувчи топшириғи билан аудиториядан ташқарида, ўқитувчининг методик раҳбарлиги остида, аммо ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажарилади.

қуйидагича таъриф берганлар: "Ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан мустақил иш мазмуни, мустақил ишлашни фаол ташкил этишга, уларнинг олдига қўйилган дидактик мақсадларни бажаришига йўналтирилган ва шунга махсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш билимларини умумлаштириш, тизимлаштириш жараёни тушунилади".

Бу таърифда фаолият хусусиятлари: фаоллик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ҳақида сўз юритилган. Бироқ мустақил таълимнинг бир жиҳати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Профессионал таълим йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларда мустақил билим олишга қизиқиш ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг муҳим омили сифатида касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчилардан педагогик такомиллашиш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Талабалар мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотувчи куч, мотив, сабабларга боғлиқ ҳолда улар ўз олдиларига мустақил таълим мазмунини ташкил этувчи мақсад ва вазифаларни белгилаб оладилар. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Мустақил фаолият олиб боришда муҳим ҳисобланган ижтимоий-маданий мустақиллик, замонавий воқелик ва уларга бўлган муносабат.

2. Танлаган йўналиши бўйича фаолият олиб бориш, талабанинг мустақил таълим олишини ўзлаштиришга йўналтирилган тайёргарлик давридаги касбий мустақил таълим.

3. Ўқув фанларини янада чуқурроқ ўрганишга, шахсий-ҳаётий режалари, шахсий қизиқиш асосида йўналтирилган мустақил таълим.

4. Ўз истеъдодини ва севимли машғулотларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мустақил таълим.

5. Ўз характерини тарбиялашга қаратилган мустақил таълим.

Касбий мустақил таълим шахснинг ривожланишида асосий омил бўлиб, унинг келгуси фаолиятида мустақил ишлай олиш хусусиятларини тавсифловчи бўлиб хизмат қилади. Мустақил таълим мазмуни меҳнат характерига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиб, мустақил таълим учун имконият топа олишига боғлиқ бўлади. Мустақил таълим талабанинг келгуси фаолияти давомида ўз йўлини белгилашнинг воситаси бўлиб, талаба ўз имкониятларини баҳолай олишига сабаб бўлади. Талабада аниқ ифодаланган эҳтиёж сезилмаса-да, бироқ ҳар бир

инсонда албатта, ўзини қониқтиришга, намоён этишига, ўзининг мавжудлигини намоён қилишга бўлган нобиологик эҳтиёж бўлади.

Касб таълими ўқитувчиси ўз билимини мустақил ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва бу мақсадга эришиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак:

1. Ўз билимини мустақил ошириш мазмунини касб таълими ўқитувчиси мутахассислиги бўйича малакавий амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг ўқув ва ишлаб чиқариш устахонасидаги аниқ техник-технологик ҳамда педагогик шароитларга, талабларига мослаштириши керак.

2. Касб таълими ўқитувчиси маълум мақсад асосида ва муайян тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак:

- талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш;
- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиш.

3. Касб таълими ўқитувчиси умумий педагогика, психология, меҳнат гигиенаси ва физиологияси, техника ва технология фанлари бўйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқиши шарт.

4. Касб таълими ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўлларини танлаб олиши, технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши керак.

5. Касб таълими ўқитувчиси аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ҳолда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларидан фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофиқ.

6. Касб таълими ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил этиши ва маълум мақсадга йўналтириши зарур.

Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;
- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиши лозим.

Ҳозирги таълим амалиётида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашда портфолио методининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Портфолио – мустақил таълимнинг натижаси сифатида талабаларда қуйидаги сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади: талабаларнинг юқори мотивациясини қўллаб-қувватлаш, фаоллиги ва мустақиллигини рағбатлантириш; мустақил ишлаш имкониятларини кенгайтириш; индивидуал ютуқларини миқдор ва сифат жиҳатдан белгилаш; ўз-ўзига адекват баҳо беришни ҳамда рақобатбардошликни ривожлантиришди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълим олишда фойдаланиладиган инновацион шакл, метод ва воситаларнинг тўғри танланиши талабаларда қизиқиш, хоҳиш, қобилияти шаклланиши ҳамда уларда мустақил ишлашга мотивация (эҳтиёж)-ни рағбатлантиришга хизмат қилади.

ISSN 2181-3841

АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТУЗИЛМАВИЙ ВА МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳозирги вақтда таълим муассасаларидаги ўқув жараёни билан ахборот-коммуникация технологияларининг тизимли интеграцияси ва улар асосидаги ахборотлаштирилган таълим муҳити (АТМ)ни шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели (ТТМ) ва улар асосидаги ишлаб чиқиладиган алгоритм тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу сабабли мазкур мақолага АТМни шакллантиришнинг ТТМни ишлаб чиқиш ва уни алгоритмлаш жараёнини баён қилишни мақсад қилиб олдик.

Ахборотлаштирилган таълим муҳити – бу дастурли-коммуникацион муҳитдан иборат бўлиб, у ихтиёрий сондаги таълим муассасаларининг таълим даражаси ва касбий жиҳатдан ихтисослашувидан қатъи назар, уларнинг ахборотли таъминоти ва интернет муҳитидаги далиллар билан асосланган ўқув жараёнини олиб боришнинг яхлит технологик воситаларини таъминлайди.

Маълумки, ҳар қандай технологик жараёндан таълим жараёнида фойдаланишда, албатта, унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишга тўғри келади, чунки таълим тизими ҳам ўзига хос динамик тизим бўлиб, жамият ва давлат тараққиётидаги илмий-техник ривожланишни ўзида акс эттирмоғи лозим.

Ушбу соҳадаги изланишларимиз натижалари АТМ фаолиятини тўлиқ олиб бориш учун ўқув-методик мажмуа ва ахборот захираларининг роли ва ўрни беқиёс эканлигини кўрсатмоқда [1-3]. Шу сабабли АТМнинг ўқув-методик ва ахборот захираларини қуйидагича узлуксиз кетма-кетликдаги тоифалар бўйича ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ахборот захираларининг **биринчи тоифаси** – бу электрон кутубхонанинг ўқув жараёни бўйича муайян мақсадлари асосида тузилган ахборотлар фондидан иборат;
- ахборот захираларининг **иккинчи тоифаси** – ушбу фаолиятда қатнашувчи ўқув муассасасининг ўқув-методик ресурслари каталогидан иборатдир;
- АТМнинг **учинчи тоифали захиралари** – АТМ таркибига кирувчи ўқув муассасасидаги турли ташкилий ва педагогик тадбирлар, семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ҳақидаги маълумотлар;
- АТМнинг **тўртинчи тоифали захиралари** – бу интеллектуал ресурслар.

- Ушбу тоифага кирувчи ахборот захираларининг номи **"Электрон интеллектуал мулк"** деб номлаб олинди ва ундан фойдаланиш йўналишига қараб мос йўналишлар бўйича номланади.

Таълим тизимида АТМни яратиш интернет тармоғида ишлашга мўлжалланган, намунавий дастурий таъминот негизида қурилган бир жинсли тузилма орқали амалга оширилади. Бу дастурий таъминот республикамиз турли ҳудудларида жойлашган ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган профессионал таълим муассасаларида ҳосил қилинади ва ундан ҳудудий АТМларни ҳосил қилишда фойдаланилади. Ҳар бир ҳудудий АТМ таълим муассасасининг барча кўрсаткичларини ифодаловчи виртуал тасвирларни ўзида мужассамлаштиради.

Булар асосидаги АТМни шакллантиришнинг ТТМ яратилади ва унинг функционал вазифасини бажаришга дастлабки имконият ҳосил бўлади (1-шакл).

АТМни шакллантиришнинг ТТМ асосида АТМни шакллантириш алгоритмини ишлаб чиқамиз.



1-шакл. Ахборотлаштирилган таълим муҳитини шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели

ISSN 2181-3841

Маълумки, АТМ одам-машина режимида ишловчи очиқ тизимдир ва улар ёрдамида узлуксиз таълим тизими учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштиради. Бундай вазифани бажариш эса АТМнинг мулоқотли техник-дастурий тизим (МТДТ)и зиммасига юклатилади. Шу сабабли МТДТ ҳақида маълумотлар берамиз. МТДТнинг компонентлар тўпламини B^k билан ва тизимдаги муносабатларни эса B^o билан белгилайлик. Булар асосидаги МТДТ яратиш учун тузиладиган мақсадлар мажмуасини (кетма-кетлигини) Φ^e деб белгилайлик. У ҳолда МТДТни умумий кўринишда қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$A_{md}^{m} = \left\{ B^{o}, \left\{ B^{k}, \Phi^{e} \right\} \right\}$$

МТДТнинг умумий кўринишидаги Φ^e – тизимнинг мақсадлар мажмуасини моделлар ва амалий дастурлар мажмуаси ташкил этади. Бунда албатта МТДТнинг бошқа компонентлари иштироки инкор этилмайди. Булардан ташқари МТДТ учун ташқи ва ички муносабатларга эътибор берилиши таълим тизими учун яратилаётган АТМнинг самарали шаклланишига мустаҳкам асос бўлади.

Натижаларнинг кўрсатишича, ички ва ташқи муносабатларни қуйидагича ҳисобга олган маъқул. R_M^M – муносабатлар мажмуасини ўзаро боғлиқ бўлган иккита қисм-мажмуага, яъни ички ва ташқи муносабатлар мажмуасига ажратиш лозим бўлади. Шартли равишда ички муносабатларни R_M^I билан ва ташқи муносабатларни R_M^T билан белгиласак, у ҳолда

$R_M^I \in R_M^M$ ва $R_M^T \in R_M^M$ ёки $R_M^M = R_M^I \bigcup R_M^T$ ифодаларга эга бўламиз.

Демак, АТМни шакллантиришдаги МТДТга ички муносабатлар юқорида санаб ўтилган тизим компонентларидан иборат бўлиб, ташқи муносабатларга эса МТДТга бўлган ташқи таъсирлар эътиборга олинар экан ва улар асосида МТДТнинг функционал вазифаларини тўлиқ бажарилишига имконият яратилади.

Демак, энди АТМни шакллантириш алгоритмини ифодалаш мумкин, яъни

$$A_M^T = \left\{ \left\{ B^O, \left\{ \left\{ B_M^K \right\} \cup \left\{ B_D^K \right\} \cup \left\{ B_T^K \right\} \cup \left\{ B_E^K \right\} \cup \left\{ B_{O'M}^K \right\} \cup \left\{ B_{UA}^K \right\} \cup \left\{ B_{IM}^K \right\} \right\}, \Phi^E \right\}, R_M^I \cup R_M^T \right\}$$

Бу ерда A_M^T –АТМ.

МТДТнинг компонентлари қуйидагича ифодаланади:

B_M^K – МТДТ учун моделли ахборот ресурслари;

B_D^K – МТДТ учун дастурий ахборот ресурслари;

B_T^K – МТДТ учун техник ахборот ресурслари;

B_E^K – МТДТ учун электрон кутубхона фонди;

$B_{O'M}^K$ – МТДТ учун ўқув-методик ахборот ресурслари;

B_{IA}^K – МТДТ учун ижодий анжуманлар хулосаси ва тавсияси асосида шаклланган ахборот ресурслари;

B_{IM}^K – МТДТ учун қаралаётган йўналиш бўйича интеллектуал мулкка асосланган ва шакллантирилган ахборот ресурслари.

Демак, АТМни шакллантириш алгоритмига асосланган ҳолда унинг ташкилий-вазифавий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин (2-шакл).



2-шакл. Ахборотлаштирилган таълим муҳитининг ташкилий-вазифавий шакли

Юқоридаги АТМни шакллантириш борасида олиб борган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, қуйидаги фикрларни хулоса сифатида ифодалаш мумкин:

- кичик мутахассислар тайёрлашда АТМдан фойдаланиб таълим бериш, ушбу жараённинг мукаммал ўқув-услубий таъминотини яратишни кафолатлайди, бу орқали матнни ва ўқув-услубий материалларни оддий кўринишда акс эттирмасдан, балки уни намойиш этиш мумкин, шунингдек, айтиб бериш ва кўрсатиш мумкинлиги билан бирга мазкур таълим технологиясининг дидактик имкониятлари ва афзалликларини кафолатлайди;
- кичик мутахассислар тайёрлашнинг АТМни яратишда гиперматн, гиперкўрсаткич ва уларга оид тасвир, код номи элементларини киритиш ҳамда уларни ўзаро боғлаш мақсадида HTML – гиперматн таҳрирлагичдан фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туракулов О.Х. Алгоритмический подход к созданию информационно-образовательной среды// Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития: труды международного сотрудничество. –Т. 7/ сост. Н.А. Лобанов; под науч.ред. Н.А. Лобанова и В.Н. Скворцова. Ленинградского государственного университета имени А.С. Пушкина, НИИ социальной-экономических и педагогических проблем непрерывного образования. –Санкт Петербург, 2009 -С.-228-230.
2. Туракулов О.Х. Информационный учебно-методический центр для образовательной среды // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. –Самара: 2009. –С. 1453-1457.
3. Туракулов О.Х. Функционально-структурная организация образовательной информационно-управляющей системы // Тенденции развития Российской системы профессионального образования в условиях глобализации. – Новосибирск: 2009.-ч.II.- С. 121-124.

ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ, ҒОЯЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Жалил ҲАМИДОВ,
Жиззах политехника институти “Профессионал таълим” кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

Мақолада ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари (ЎЗДВ)ни кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш борасида, шунингдек, ўқитишнинг янги форматларини фаол ривожлантиришда замонавий дидактик воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: *Таълим, ЎЗДВ, профессионал таълим, концептуал тузилма, компьютерли восита, АКТ.*

В статье рассмотрены вопросы более широкого внедрения современных дидактических средств обучения (СДСО) и их дальнейшего совершенствования, а также вопросы создания современных дидактических средств и совершенствования механизмов их использования при активной разработке новых форматов обучения.

Ключевые слова: *Образование, СДСО, профессиональное образование, концептуальная основа, компьютерный инструмент, ИКТ.*

Бугунги тез ривожланаётган технологик жамиятда юқори малакали ва профессионал баркамол мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон глобал таълим маконига кириш учун аниқ мезонларни белгилаб олди ва халқаро талаблар шароитида таълим тизимини модернизация қилишни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида рўй бераётган инновацион жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ички меҳнат бозорига мослашиш ва жаҳон таълим тизимига тўла аъзо сифатида кириш истагидир. Таълим дастурларини меҳнат бозори талабларига доимий мослаштиришимиз керак. Сифат мезони амалий фаолиятга тайёрликни ва битирувчиларнинг ҳақиқий рақобатбардошлигини белгилайди.

Республикамизда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ахборотлаштириш, рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада

педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари педагогларга ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари (ЎЗДВ)ни яратиш ва модификациялашнинг кенг кўламли имкониятларини тақдим этмоқда. Яқин вақтларга қадар бундай воситаларни яратиш билан асосан дастурчилар, дизайнерлар, психологлар ва бошқалардан иборат бўлган махсус гуруҳ шуғулланган. Кейинги вақтларда автоматлаштирилган мажмуавий дастурлар (муаллифлик тизимлари)нинг пайдо бўлиши бундай воситаларни кўплаб яратишга имкон яратмоқда.

Замонавий педагогик-психология ва дидактикадаги турли ёндашувларни ҳисобга олиб, биз бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда ЎЗДВни яратиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш жараёнини ўзаро боғлиқ мотивацион-қадриятли, когнитив ва операционал-фаолиятли компонентларни бирлаштирган яхлит ривожланувчи таълим сифатида белгиладик.

Мотивацион-қадриятли компонент–талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятда ЎЗДВдан фойдаланишга йўналганлигини, уларни яратиш бўйича таълим олишга эҳтиёжи, мотивлари, интилишлар, қобилияти, қизиқишини акс эттиради.

Когнитив компонент – талабаларнинг ЎЗДВни яратишда фойдаланиладиган амалий ва инструментал дастурий воситаларнинг имкониятлари ҳақидаги билимларини, ЎЗДВни яратиш бўйича назарий тайёргарлиги даражасини акс эттиради.

Операционал-фаолиятли компонент – ЎЗДВни яратишда зарур бўладиган комплекс билимлар, кўникма ва малакаларни, шахсий сифатларни ўз ичига олади.

Профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизимида ЎЗДВни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш учун дастлаб унинг асослари, ғоялари, тамойиллари ва концептуал тузилмаси аниқлаштирилди, ўқитишнинг компьютер воситалари ҳал этиладиган педагогик вазифаларга кўра таснифланди.

Ўқитишни ташкил этиш ва бошқаришнинг умумий тамойиллари, яъни дидактиканинг асосий тамойиллари ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бундай мураккаб тизимлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш; ахборотни расмийлаштириш ва кодлаштириш назарияси; ўқитувчининг ахборотни тақдим этиш бўйича функциясининг бир қисмини ўқитишнинг компьютер воситаларига бериш, энг асосийси, автоматлаштирилган тизимлар билан таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш.

Ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратишда зарур бўладиган тамойиллар анъанавий дидактиканинг умумий тамойилларига ва ўқитишнинг компьютерли технологиялари тамойилларига мос келиши лозим.

Ушбу ишда ўқитишнинг компьютерли технологияларининг ривожланишини таъминловчи тамойиллар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: психологик-педагогик, дидактик, технологик, ташкилий-коммуникатив тамойиллар.

ISSN 2181-3841

Психологик-педагогик тамойиллар: ўқитишда қизиқтириш, таълим олувчиларнинг индивидуал ўзига хослигига мослашувчанлик, таълим олувчиларнинг изланиш фаоллиги, ўзининг билими даражаси учун шахсий масъулият, ўзини ўзи баҳолаш ва ўзини ўзи фаоллаштириш, таълимни индивидуаллаштириш, ўқув ютуқлари натижаларини баҳолашнинг объективлиги, ЎЗДВ асосида ўқитишни ташкил этишда ҳамкорлик ва мураббийлик, таълим олиш эркинлигини таъминлаш.

Дидактик тамойиллар: яхлитлик, илмийлик, ўрганилаётган материал мазмуни мақсади тузилмасининг иерархиклиги ва материални ўрганишдаги иерархиклик, расмийлаштириш, кўргазмалилик ва тушунарлилик, ўқитиш траекториясининг кўп даражадалиги ва ҳар хиллиги, ўқитиш методи ва материални ўрганишнинг ошиб бориши, назария билан амалиётнинг бирлиги.

Технологик тамойиллар: тизимлилик, ахборот таълим муҳитида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини моделлаштириш, ўрганиладиган ҳодисалар ва жараёнларни моделлаштириш, online ва offline тартибида ишлаш имконини таъминлайдиган АКТ воситасида таълим жараёнининг асосий субъектлари мулоқоти, интерактивлик, таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқариш алгоритмларининг кўп даражадалиги ва ҳар хиллиги, мослашувчанлиги, нафақат ўқув материали, балки таълим жараёни субъектларининг тақсимланганлиги, тизимнинг бошқа тизимлар ва модулларга уланишга очиқлиги, вариативлик, инвариантлик, изчиллик ва интеграллашганлик, эргономик.

Ташкилий-коммуникатив тамойиллар: ахборот ва ўрганиладиган материални эркин олиш, таълимни ташкил этишда ҳудудий ва вақт жиҳатдан эркинлик, таълим жараёни субъектларининг тақсимланганлиги, кенг аудиторияни қамраб олиш, ўқитишни ташкил этишда индивидуаллик ва жамоавийлик, компьютер муҳитида ишлаш шароитида таълим жараёни субъектларининг ўзаро алоқаси, таълим ресурслари ва воситаларининг ягона ахборот ва таълим муҳитига ҳамда мамлакат таълим муҳитига, хорижий таълим муҳитига интеграллашуви.

ЎЗДВнинг концептуал тузилмаси ахборот-назарий, ўзаро таъсир ва бошқарув, амалий компонентлар ҳамда уларнинг блокларидан ташкил топган бўлиб, турли хил муаллифлик тизимларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган. ЎЗДВнинг дидактик хусусиятларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, уларни яратишга ёндашувлар турлича бўлишига қарамасдан, ЎЗДВни яратиш технологиясини таъминловчи босқичларнинг умумий кетма-кетлиги мавжуд.

ЎЗДВни яратиш технологиясига ҳар бир ёндашув талабаларни ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари ва ўқув машғулотларига методик талаблар билан асосланган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилганидек, ҳозирга қадар ЎЗДВни яратишнинг универсал технологияси мавжуд эмас. Ҳар бир яратувчи амалда ўзининг шахсий технологиясини қўллайди. Уни босқичларга ажратишда ЎЗДВнинг компонентли таркиби, шунингдек, лойиҳалаш ва яратишга умумий ёндашувлар эътиборга олинади. Хусусан, кўп ҳолларда ЎЗДВни яратишда иккита, яъни дастлабки ва бевосита босқичлар ажратилади. Дастлабки босқичда ЎЗДВни яратиш учун зарур бўлган ўқув ва методик

материаллар асосан қўлда тайёрланади. ЎЗДВни яратишнинг бевосита босқичи доирасида тайёрланган ўқув материали электрон кўринишда тақдим этилади.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш учун ЎЗДВни яратиш технологиясининг қуйидаги босқичлари аниқланди: муаммони таҳлил қилиш; режалаштириш; лойиҳалаш; конструкциялаш; жорий этиш ва баҳолаш.

ЎЗДВни яратиш технологиясини ишлаб чиқишда компьютерли ўқитиш воситаларини яратиш асослари, ғоялари, тамойиллари, босқичлари ҳамда уларнинг концептуал тузилмасига таянилди.

Юқоридаги таҳлиллар бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш учун қуйидаги босқичларни ўз ичига олган ЎЗДВни яратиш технологиясини ишлаб чиқишга имкон берди: муаммони таҳлил қилиш; режалаштириш; лойиҳалаш; конструкциялаш; баҳолаш.

1-босқич. Муаммони таҳлил қилиш. Бу босқичда ЎЗДВнинг концепцияси ва қобиғи шакллантирилади. ЎЗДВдан фойдаланиб ўқитиш мақсадини рационал чегаралаш, яъни айнан қайси билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ва нима учун ўзлаштириш кераклиги аниқланади. Ўқитиш мақсадини шакллантиришда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш тизимида яратиладиган ЎЗДВнинг роли ва ўрнини эътиборга олиш лозим. АКТ юқори даражадаги аниқлик ва бир қийматлиликни талаб этади, шунинг учун ЎЗДВ, энг биринчи навбатда, ташхисланувчанлик, инструменталлилик талабига жавоб бериши керак.

Бу босқич муваффақиятли якунланиши учун ЎЗДВ кимга мўлжалланганлиги, яъни фойдаланувчилар контингенти аниқланиши керак. Фойдаланувчилар контингенти эса қуйидаги параметрлар билан аниқланади: бўлажак касбий фаолият объектлари; келгусидаги касбий фаолият шакллари; ёши, таълим даражаси ва бошқалар.

2-босқич. Режалаштириш. Бу босқичда ЎЗДВнинг мазмуний йўналиши, асосий функциялари ва муҳим характеристикалари аниқланади, дидактик ва дастурий-техник қарорлар қабул қилинади. Қўйилган мақсадга эришиш учун дидактик усулни белгиловчи ўқитишнинг психологик-педагогик функцияси шакллантирилади. Шунингдек, ўқув материали тақдимотининг шакли ва формати танланади. Тақдимотнинг шакли ва формати сифатида матн ва гиперматн, графика ва гиперграфика, видео, анимация, товуш, интерактив уч ўлчовли тасвирлар танланиши мумкин. Ахборот тақдимотининг шакл ва форматлари ЎЗДВни яратишда фойдаланиш режалаштирилган инструментал воситалар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Инструментал мажмуани танлаш эса инструментал воситалар имкониятларини ва яратиладиган ЎЗДВ характеристикаларини таққослашга асосланади. У ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши мумкин: офис тизимлар (матн, график муҳаррирлар, электрон жадвал, тақдимот); тармоқ технологиялари (веб-саҳифа муҳаррири, мультимедиа компонентларини ишлаб чиқишнинг инструментал воситалари).

Бу босқичда таълим олувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш стратегияси ва воситаларини танлаш, яъни қуйидагилар амалга оширилади: ўз имкониятини эътиборга олиб, мустақил

ISSN 2181-3841

ўқиш учун муайян қийинликдаги мазмун ва масалаларни танлаш; табақалаштирилган бошқариш режими (таълим олувчи ўқитувчи томонидан ўқув масаласига нисбатан маслаҳат ёки кўрсатма олганда); ЎЗДВ орқали ўқитиш жараёнини қатьий бошқариш режими.

3-босқич. Лойиҳалаш. Бу босқичда ЎЗДВнинг тузилиши ва компонетлари таркиби аниқланади, унда жойлаштириладиган ўқув материали ва ўқув-машқ масалалари мазмуни, қийинлиги даражаси ойдинлаштирилади, қайтар алоқа воситаси шаблони, интерфейс ва навигация эскизлари яратилади.

ЎЗДВни яратишнинг технологик босқичларини ажратишда уларга хос бўлган қуйидаги компонентларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: сарварақ (титул); аннотация; ўқув дастури (мақсад, вазифа, мазмун, тематик режа); ўқув матни (тузилмалаштирилган, эргономик талабларни эътиборга олган ҳолда қурилган); иллюстратив материаллар (тасвирий, мантиқий-тузилмавий, мультимедиа – лавҳа учун ишлаб чиқилган сценарий); ЎЗДВ таркибига киритилган барча мавзулар бўйича тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати; алоҳида олинган мавзу ва бутун курс бўйича атамалар ва тушунчалар луғати; хрестоматия ва қўшимча материаллар (китоблар, меъёрий ҳужжатлар рўйхати); ЎЗДВдан фойдаланиб умумкасбий тайёргарлик фанларини ўрганиш ва таълим олувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар; ЎЗДВ билан ишлаш бўйича педагог ва таълим олувчилар учун йўриқнома.

ЎЗДВнинг технологик босқичлари амалий машғулотларни ташкил этишга кўмаклашувчи, ўқитиш натижаларини ўлчашга имкон берувчи, педагог ва таълим олувчи учун маълумотнома материалларини тақдим этувчи компонентларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ: ЎЗДВ асосида ташкил этиладиган машғулотларда ҳар бир мавзу, боб, бўлим ва бутун курс бўйича ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар; машқлар ва топшириқлар; билимларни назорат қилиш учун тест топшириқлари ва саволлари; рефератлар ёки якуний лойиҳа ишларининг тематик ва бутун курс бўйича якуний назорат саволларининг тахминий рўйхати; ўқитиш жараёни самарадорлиги мониторингини ташкил этиш учун тадбирлар ва тавсиялар тизими; интернет ресурслар (виртуал электрон кутубхона, таълим сайтлари ва ахборот ресурслари); таълим муассасаси медиаматнида сақланаётган материал (аввал яратилган ўқитишнинг электрон воситалари, мультимедиа воситалари ва бошқалар); хронологик кўрсаткич; қисқартма сўзлар рўйхати.

4-босқич. Жорий этиш ва натижани баҳолаш. Бу босқичда яратилган ЎЗДВнинг сифатини баҳолаш учун ундан фойдаланиб, тажрибавий ўқитиш амалга оширилади. Математик-статистика методлари ёрдамида қайта ишланадиган натижалар тўпланади. Тажриба-синов ишлари даврида ЎЗДВнинг камчиликлари аниқланади. ЎЗДВни ўқув жараёнида қўллаш бўйича ўқитувчилар ва талабалар учун методик тавсия ишлаб чиқилади ҳамда амалда фойдаланиш бўйича ҳужжатлар яратилади.

ЎЗДВ асосида ўқитиш маълум маънода техник инфратузилмага эга, яъни компьютерга (ўқув материалини жойлаштириш ва тақдим этиш ускунаси сифатида) ва компьютер тармоғига асосланади. Шунинг учун ҳам, уларни яратишда эътиборга олиниши лозим бўлган асосий тамойиллардан бири – бу

ўқув материалининг тақсимланганлик тамойили ҳисобланади.

Унда ЎЗДВ икки гуруҳга, яъни бевосита таълим олувчи ихтиёрида ёки локал тармоқ доирасида бўлган ва интернетда (глобал тармоқ серверларида) жойлашган ЎЗДВга бўлинади.

ЎЗДВга ахборотни жойлаштириш усули уни яратиш технологиясига нисбатан маълум бир талабларни қўяди. Бунда компьютер асосий дидактик ускуна ҳисобланади. Турли хил ўргатувчи дастурлар билан бирга барча ўқув ахборотини тўлалигича тақдим этувчи яхлит интерактив курс зарур. Шунинг учун ўқув материалининг интерактивлик тамойили – ЎЗДВни яратишда ҳисобга олиниши лозим бўлган иккинчи муҳим тамойил ҳисобланади.

Интерактив воситалар матн, статик ва динамик график, видео ва аудио ёзувлар каби ахборотларни тасвирлашнинг турли муҳитини ягона мажмуага бирлаштириш имконини беради ва таълим олувчини ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради. Мультимедиадан фойдаланиш эса ахборотни қабул қилишнинг индивидуал хусусиятларини максимал даражада эътиборга олиш имконини беради. Бу айниқса, ўқитувчидан таълим олувчига ўқув материалини билвосита компьютер орқали узатишда жуда муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, ЎЗДВни яратишда эътиборга олиш керак бўлган учинчи тамойил – бу ўқув материалини мультимедиали тақдим этиш ҳисобланади.

ЎЗДВнинг муҳим афзалликларидан бири – бу ундан фойдаланиб ташкил этиладиган ўқув жараёни кўргазмалилигининг кескин ошишидир. ЎЗДВнинг кўргазмалилигини оширишга имкон берувчи етарли даражада кўплаб технология ва ечимлар мавжуд.

ЎЗДВни ускунавий (инструментал) тизимларни қўллаб яратишда эътиборга олиниши лозим бўлган қидириш, навигация, гиперҳаволалар тизимига қўйиладиган талаблар қуйидагилар бўлиши мумкин: ЎЗДВга педагоглар ва таълим олувчиларга зарур бўлган мавзу ёки мажмуанинг калит сўзлари ва элементлари билан тўғри қўйилган ҳаволалар, қидириш функцияларини киритиш. Ҳар бир ЎЗДВнинг асосий босқичлари акс эттирилган экран графикли тақдим этилган.

Демак, хулоса қилиб айтганда, ЎЗДВда мультимедиа-ахборотларни тузилмалаштириш, навигация ва гиперҳаволаларни ташкил этиш жараёнлари билимларни тақдим этиш ва ўқитишнинг мультимедиа воситаларини яратишнинг автоматлаштирилган воситаларини қўллаш орқали самарали ташкил этилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси" тўғрисидаги ПФ-5847 сонли Фармони. www.lex.uz
2. Ҳамидов Ж.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш технологияси. Монография/ Тошкент-2017 й. 145-б.
3. Ҳамидов Ж.А. Using Multimedia Technology Problems in Professional Education. Eastern European Scientific Journal /Auris – Verlag.de 2019, №1. 187- 190 стр.
4. Ҳамидов Ж.А. Improving the professional competence of professional teachers. Journal of Critical Reviews / 2020, № 11. 1131-1137

ISSN 2181-3841

ПОВЫШЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ – КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОДГОТОВКИ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Диляра ШАРИПОВА
Доктор педагогический наук, профессор

Мақолада замонавий жамият учун долзарб масалалар – талабалар ўртасида бир кунлик семинар-тренинглар ўтказиш орқали ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали усули сифатида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *Талаба ёшлар, ижтимоий фаоллик, ижтимоийлашув, касбий фаолият, тренинг.*

В статье рассматриваются актуальные вопросы для современного общества- повышение социальной активности молодёжи как эффективный путь подготовки её к профессиональной деятельности путём проведения среди студентов однодневных семинар-тренингов.

Ключевые слова: *Студенческая молодежь, социальная активность, социализация, профессиональная деятельность, тренинг.*

Общество, вступившее в третий Ренессанс, остро нуждается в молодежи, проявляющей высокую социальную активность, занимающей устойчивую гражданскую позицию в условиях изменяющейся социальной среды и профессиональной деятельности[1].

Понятие «социальная активность» согласно педагогическому словарю, определяется как совокупность методов, процедур, направленных на изменение социальных условий в соответствии с потребностями, целями и идеалами, на выдвижение и реализацию социальных инноваций, формирования в себе необходимых социальных качеств для предстоящей работы в трудовых коллективах[2].

Актуальность и востребованность реализации данной проблемы весьма очевидна и поэтому она была поддержана педагогической общественностью, отметившей, что её надо осуществлять на разных этапах развития личности особенно на её подростковом и юношеском этапах.

В этой связи был подготовлен проект для студенческой молодежи «Повышение социальной активности молодёжи участия в гражданском обществе – эффективный путь её социализации», в реализации которого партнерскую поддержку оказал Фонд им. Ф. Эберта в Узбекистане. Бенефициарами данного проекта были студенты Узбекского государственного университета мировых языков, тренерами являлись доктора педагогических наук Г.Х.Бакиева, Д.Д.Шарипова, Ф.М.Рашидова при участии волонтеров доцентов Х.С.Хушвактовой, Ф.С.Абдуллаевой. Проведение семинаров тренингов предусматривало рассмотрение таких тем, как социальная активность молодежи, её гражданская позиция, подготовка к предстоящей профессиональной деятельности, о которых давали основные понятия модераторы тренинга, а затем всем участникам тренинга предлагалось назвать наиболее актуальные для современного общества проблемы. Среди проведенных 8 тренингов (по

20 студентов в каждом) проблемы были разными, но наиболее частыми были следующие (ответы давались анонимно).

Экология. Выбросы мусора. Установка мусорных баков для раздельного сбора мусора. Уничтожение пластиков.

Трудоустройство.

Самоуверенность, пунктуальность. Достаточное знание языка.

Отсутствие Wi-Fi в университетах, недостаточное количество компютеров.

Коррупция (все через знакомство)

Качество образования. Система обучения неэффективна.

В университетах мало грантов.

Как преодолеть страх и выйти из зоны комфорта.

Проблемы образования, неквалифицированные кадры по английскому языку.

Теряется интерес и стремление к развитию.

Недостаточность знаний по информационным технологиям.

Недостаточное внимание к воспитанию молодежи.

Отсутствие здоровой конкуренции.

Что необходимо сделать, чтобы в будущем получать удовольствие от работы и жизни?

Проблемы образования: не хватает практики, нет возможности работать над проектами, создание различных кружков, как доводить свои идеи до совершенства?

Среди названных тем студенты выбирали 5 наиболее актуальных, по их мнению, и их разделили на 5 малых групп по 4 человека.

Наиболее часто участники тренинга выбирали такие темы, как:

- Экология;
- Образование;
- Коррупция;
- Формирование личности;
- Проектная деятельность.

Работая в малых группах, участники определяли, в чем неотложность решения проблемы, что следует делать для использования в будущей профессиональной деятельности, затем представляли креативно выполненные презентации. Рассмотрим несколько из презентаций, подготовленных участниками тренингов, в частности, посвященные актуальным вопросам экологии, в числе причин возникновения экологических проблем были названы:

- глобальное потепление;
- незаконная охота – браконьерство;
- вырубка лесов и деревьев в городе;
- разрушение озонового слоя;
- загрязнение воздуха промышленными предприятиями и выхлопными газами;
- образование мусорных свалок;
- загрязнение мирового океана морей и рек и озёр.

Что приводит к угрозам нарушения экологической устойчивости.

По сле выявления угроз и факторов, влияющих на окружающую среду, участники назвали наиболее эффективные пути преодоления этих негативных воздействий, используемые в предстоящей педагогической деятельности.

В первую очередь, это экологизация сознания и мышления молодёжи, направленная на охрану природы и окружающей среды, что способствует социализации личности – процессу усвоения индивидом образцов поведения, психологических установок, положительных норм и ценностей, знаний, навыков по бережному отношению и сохранению всех экологических компонентов и

ISSN 2181-3841

активно е включение индивида в систему общественных отношений по оздоровлению среды.

При этом были названы следующие эффективные пути:

- увеличение числа электромобилей;
- использование ветровой энергии;
- широкое использование солнечных батарей как источников экологически чистой энергии;
- раздельный сбор мусора и его использование по безотходным технологиям;
- повышение экологических знаний различных групп населения;
- строительство очистительных сооружений и другие.

Заслуживает внимания презентация группы, рассматривавшей проблемы образования и в качестве актуальных проблем были обозначены следующие:

- затруднения в распределении финансовых средств для улучшения образовательной программы:
- низкий уровень использования информационных технологий;
- ограниченное количество филиалов зарубежных и местных государственных и частных ВУЗов;
- отсутствие конкуренции между обучающимися в различных образовательных учреждениях;
- недостаточная профессиональная компетентность отдельных преподавателей и другие.

Студентами были предложены следующие пути решения:

- подготовка кадров, ориентированных на эффективное распределение финансов, предназначенных для развития образования;
- увеличение количества лингофонных кабинетов, оснащенных современным техническим оборудованием, улучшение информационно-коммуникативного образования;
- создание новых филиалов с участием зарубежных ВУЗов и поддержка негосударственных ВУЗов;
- организации соревнований, олимпиад, конференций, а также конкурсов между обучающимися в разных образовательных организациях;
- подготовка креативных преподавателей с новым мышлением, использующих современные педагогические и информационные технологии, инновационные методы и др.

Были заслушаны и другие презентации, посвященные коррупции, формированию личности, проектной деятельности.

По итогам тренинга студенты высказали свое мнение по тому, что они получили в результате проведённого мероприятия:

- получили полезную информацию для использования в предстоящей профессиональной педагогической деятельности;
- узнали, что в группе работать лучше и интереснее чем индивидуально;
- захотели поступать в докторантуру для саморазвития;
- мы полны энтузиазма после тренинга;
- получили мотивацию к самореализации своих идей;
- тренинг помог в решении вопросов заслушанных сфер;
- способствовал развитию ораторского искусства;
- заставил задуматься о разных источниках получения дохода, которые будут полезны в

предстоящей жизни;
- смогу теперь переступить свою нерешительность, развивать социальную активность;
- убедились, что внутренний стержень помогает добиваться своих целей в учёбе в бизнесе;
- узнали, что университет готовит не только к педагогической, но и к проектной и предпринимательской деятельности;
- получили хорошую мотивацию лучше учиться, активно участвовать в жизни общества;
- появилось желание писать гранты и заниматься малым бизнесом;
- получили ответы на многие интересующие вопросы;
- увидели живой пример, чего мы можем достигнуть (на примере тренеров);
- научились самостоятельно мыслить и проявлять инициативу;
- стали менее стеснительными и активно участвовали в презентациях;
- нужно чаще ходить на подобные тренинги.

Отдельно студенты отметили, что впечатления от тренинга очень хорошие, получили много полезной информации, в том числе раздаточный материал, тренинги были высшего класса; выразили огромную благодарность организаторам тренинга, пожелали процветания и развития данного проекта и высказали желание, чтобы было по больше таких тренингов и занятий, что они повышают интерес студентов и хорошо отразятся на качестве их образования и на последующей их деятельности.

Следует привести высказывания отдельных студентов.

«Было бы ещё лучше, если бы всё, что было на тренинге не оставалось на бумаге и студентам помогали бы реализовать проекты, которые помогут не только университету, но и государству» (студент А.О.).

«Получила заряд мотивации, очень заинтересовалась проблемами, почувствовала командный дух» (студентка С.А.);

«Семинар был очень информативным, работ али в группах с по следующей презентацией, что позволило обменяться мнениями, высказать новые идеи и найти решение коллегиально» (студент Д.И.);

«Семинар был безумно интере сным, энергичным, а также полезным в контексте приобретения опыта для осуществления последующих планов, и предстоящей профессиональной деятельности» (студентка Т.В.).

Использованной литературы:

1. Тоджибаева Х.М., Педагогическая система в повышении социальной активности учащихся. Автореф. Дис. Доктора философии (PhD)по педагогическим наукам. Ташкент.- 2018.
2. Педагогический словарь. Под редакцией В.И.Загвязинского, А.Ф.Закировой. М.: Издательский центр “Академия” 2008.

ISSN 2181-3841

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

соҳа тараққиёти ва инновацияларни татбиқ этиш жараёнини тезлаштирмоқда

Ҳаёт ҚОДИРОВ
Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор в.б.

ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ

TO READ THE ARTICLE IN ENGLISH

Янгиланаётган Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида миллий моделнинг яратилганлиги халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Инкор қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, бу – илмсиз, инновациясиз ҳеч бир соҳада тараққиётга эришиб бўлмаслиги билан бевосита боғлиқ. Бугун глобаллашув даврида таълим соҳасини янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сўнгги уч йил давомида педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш каби йирик ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бажариш муҳим аҳамият касб этди.

Сифат ва самарадорлик – асосий мезон

Олий таълим тизимида сифат ва самарадорликни сақлаб қолиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар мулоқотидаги яхлитликни таъминлаш, таълим олувчиларнинг кўп миллатли

эканлиги ва ҳар бир миллат вакиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, уларнинг маънавий-руҳий қиёфасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича тезкор ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, умуман, мамлакатдаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартиришга, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга, жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришга, инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилган.

Яна бир жиҳат, мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Шу боис мамлакатимиздаайнантаълимсоҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси, бугунқайсисоҳанионолмайлик,замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эришиш қийин.

Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ҳамда креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини тако-миллаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Буни мактабгача таълим тизимида амалга оширилган ишлар билан бирга олий таълимни ривожлантириш йўналишида ҳам яққол кўриш мумкин. Мисол учун юртимизда охирги беш йил давомида 60 тадан ортиқ янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси уч баробар оширилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилда 9 фоиз эди. Бугун-чи? Бугун бу кўрсаткич кескин оширилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50–60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Албатта, бу ютуқларга эришишнинг таг замирида изчиллик ва қатъият билан ҳаётга жорий этилган Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги улкан ишлар турибди.

Мазкур ислоҳотлар ҳали кўзланган чўққининг бир қисми, холос. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларда ҳам таълим соҳасига кенг ўрин берилган.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ҳамда кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, жорий йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу орқали таълим ва ишлаб чиқариш интег-рацияси юзага келади, олий таълим муассасалари талабдан келиб чиқиб мутахассис тайёрлайди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий қисмини, албатта, олий таълим

ISSN 2181-3841

тизимидаги ислоҳотлар ташкил этади. Шу боис ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Биргина олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони оширилиб, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар кўпайтирилгани олий таълимга қамраб олиш кўламини янада кенгайтирди.

Яқин йилларга қадар олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Президентимиз буни ҳисобга олган ҳолда йилдан-йилга олий таълимга қабул квоталарини оширмоқда. Бу ўз навбатида, ёшларни билимли, малакали, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар этиб тайёрлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қиляпти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш, давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, шу жумладан, улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиётини йўлга қўйиш, давлат олий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаш назарда тутилган. Бу эса ўқишни, таълим олиб юрт тараққиётига ўз улушини қўшишни мақсад қилган шунча ёшлар орзу-мақсадига етади, дегани.

Соғлом рақобат муҳити шаклланди

Ёшларни қўллаб-қувватлаш фақат шу билан чекланиб қолмайди. 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага, 2022 йилда Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш орқали уларнинг жами сонини 34 тага етказиш мақсад қилингани ёшлар келажагини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Агар нодавлат олий таълим ташкилоти қанча кўпайса, улар ўртасида соғлом рақобат юзага келади. Сон эмас, сифатга эътибор кучаяди. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўз жамоасини илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилар билан кенгайтиришга ҳаракат қилади. Асосийси, ёшларнинг таълим олишга иштиёқи ошади, таълим сифати юксалади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг яна бир туб негизи қонунчилик нормаларининг такомиллашиб бораётгани билан ҳам боғлиқ. Аввало, янгитдан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб бермоқда. Негаки, унга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ҳамда ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилиб, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ҳамда тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони таълим йўналишини мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг

устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида назарда тутилган устувор вазифалар ижроси ҳақиқий маънода соҳада туб ўзгаришлар ясамоқда.

Хусусан, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш шулар жумласидандир.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўлмаса...

Қолаверса, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш масалалари ҳам ўз ечимини босқичма-босқич топаётир.

Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепцияси ҳам вақти билан жорий этиляпти.

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи "хаб"га айлантириш, олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ҳамда илм-фан технологияларини жалб этиш, олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳам асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари кўп таъкидланади. Бу бежиз эмас. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция бўлмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш ҳам бугунги

ISSN 2181-3841

кун давлат сиёсатига мос келади. Бу йўналишдаги ишлар салмоғи ҳам кам эмас.

Биргина мисол, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар ОТМларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди. Аёллар таълимига алоҳида эътибор берилаётгани туфайли ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Ҳар қандай мақсад ва ислоҳотлар натижадорлигига илм-фан билан етиб борилиши туфайли илм бизга ҳаводек зарур. Зеро, киши қалбининг нури илм ҳамда маърифат билан қувват олади. Илм-фаннинг тараққиёти ёшларга мукаммал таълим бериш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали юзага келади. Чунки инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илмли киши ҳодисаларга холис баҳо беради, талабчанлик ва уддабуронликни ўрганади.

Олдимизда турган устувор вазифалар кам эмас

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо олдимизда турган устувор вазифалар ҳам кам эмас. Бинобарин, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Жумладан, олий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасини янада ошириш керак. Тўғри, бу борадаги қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, бугунги ахборот даврида мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ҳамда интернет хизматлари нархини пасайтириш ҳаётий заруратдир.

Ечимини кутаётган масалалардан яна бири аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражасини янада ошириш лозим. Қолаверса, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ишларини изчил давом эттириш ҳам муҳим масала. Бу соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

Умуман олганда, бугун қайси соҳада бўлмасин битта мақсад бизни бирлаштиради. У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир. Шундай экан, олий таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, келажак учун инновацион капитал манбаини яратиш, ёшларга пухта билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш барчамизнинг вазифамиздир.

Ҳар қандай мақсад ва ислоҳотлар натижадорлигига илм-фан билан етиб борилиши туфайли илм бизга ҳаводек зарур. Зеро, киши қалбининг нури илм ҳамда маърифат билан қувват олади. Илм-фаннинг тараққиёти ёшларга мукаммал таълим бериш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали юзага келади. Чунки инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илмли киши ҳодисаларга холис баҳо беради, талабчанлик ва уддабуронликни ўрганади. Муҳими, Ватани тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлади.

ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

Рузимурат ЧОРИЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети профессори, педагогика фанлари доктори

Мақолада дуал таълим тизимида мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси, касб таълимининг мазмуни, олий таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигида касбий таълимнинг дуал тизимини амалга оширишнинг дидактик шартлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Дидактика, дуал таълим, интеграция, касбга тайёрлаш, диагностика қилиш, муҳандис-педагог.*

В статье говорится о методике подготовки специалистов к профессиональной деятельности в дуальной системе, содержании профессионального образования, дидактических условиях реализации дуальной системы профессионального образования в контексте высшего образования и производства.

Ключевые слова: *Дидактика, дуальное образование, интеграция, профессиональная подготовка, диагностика, инженер-педагог.*

Касбий таълимнинг дуал тизими олий таълим муассасасида концептуал-назарий ва дидактик асосларга мувофиқ муҳандис-педагог кадрлар касбий тайёргарлигининг таркиби ва мазмунини ишлаб чиқишни амалий ташкил этиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, бугунги кунда ушбу таълим соҳасининг ҳолатини тавсифловчи муаммоларни ҳисобга олиш лозим.

Айниқса, бу каби муаммолар соҳада тадқиқотчилар томонидан қайд этилган касбий таълимнинг узлуксиз тизимини шакллантириш, ушбу турдаги касб-ҳунар таълимининг ўзига хослиги икки хил таълимнинг интеграциялашган ҳолда олиб борилишидир.

Қўшимча касбий таълимнинг мазмунини аниқлашда муҳандислик ходимларини, уларнинг профессионал ривожланишига тўсқинлик қиладиган бир нечта:

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-услубий асослари ва уларни тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар, касбий тайёрлаш сифати ва самарадорлигини диагностика қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш;
- ҳозирги вақтда жамиятнинг касб таълими ўқитувчисига талабларининг тобора ортиб бораётганлиги, касб таълим жараёнида педагогик ва техник билимларни интегратив (комплекс) қўллаш;
- олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида касб таълими мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини қуришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқаришда касбий таълимнинг дуал тизимининг концептуал моделини яратиш, олий таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигида касбий таълимнинг дуал тизимини амалга оширишнинг дидактик шартларини аниқлаш;
- касбий-педагогик тайёргарлик самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи интегратив таълим ва

ISSN 2181-3841

унинг натижасини диагностика қилиш методини жорий этиш алгоритми мазкур зиддиятларни ҳал этишнинг муҳим омили сифатида қаралмаганлиги каби муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди.

Услубий муаммо бир қатор тингловчиларнинг қандай қилиб мавзуларнитизимлаштиришни, бошқаларнинг иш тажрибасини таҳлил қилишни, уларни амалга оширишни ҳамда амалда қўллай олишни билмаслиги билан ифодаланади. Бундай ҳолда, муаллифга маълум бир шахсга хос бўлган илмий билиш усулини ҳисобга олиш тавсия этилади. Ушбу муаммоларни ҳал этиб бориш учун у иш тажрибасида илмий билиш услубларини, тизимлаштиришни, таснифлаш усулларини, долзарблигини, янгилигини ва амалий аҳамиятини аниқлашни ўрганиши ҳамда фаол таълим услубларидан фойдаланиши лозим.

Акмеологик муаммо – бу баҳолаш тушунчасининг ноаниқлиги, олинган маълумотларнинг амалий қўлланилиши, яъни касбий ва умуммаданий ривожланишдаги ўрни. Ушбу муаммони бартараф этиш таълим фаолиятини рағбатлантиришнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бунинг учун назарий ёндашувларни амалиётда қўллаш, гуруҳларда мустақил ишни аниқ режалаштиришни ташкил этиш тавсия этилади.

Шунинг учун, қўшимча касбнинг мазмунини аниқлашда фақат таълимда мавжуд муаммони ҳал қилиш учун эмас, балки эҳтиёж бор муҳандислик ва педагог ходимларнинг психологик ва педагогик қобилиятларини, шунингдек, уларнинг доимо ўзгарувчан касбий компетентлиги учун қуйидаги бир қатор қўшимча талабларни ҳисобга олиш зарур:

- ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш бўйича бошланғич касб-ҳунар таълим тизимининг умумий талаблари;
- меҳнат бозори талаблари;
- касб-ҳунарга ўқитишнинг давлат стандартлари, ўқув режалари ва дастурларининг талаблари;
- ишлаб чиқариш соҳаси талаблари;
- илмий ва технологик тараққиёт йўналишлари, ишлаб чиқариш воситалари ва технологик жараёнлар.

Немис тадқиқотчиси М.Стензел касб-ҳунар мактаби ўқитувчиларида дуал таълим беришда пайдо бўладиган касбий малака ошириш тизимининг асосий қийинчиликларини аниқлади. Улар 4 гуруҳга бўлиниши мумкин:

1. Когнитив (билим) олинган маълумотни сақлаш кўникмаларининг пастлиги.

2. Инструментал қийинчиликлар ақлий меҳнат қобилиятлари ва услубий қобилиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар орасида режалаштиришдаги мураккабликлар.

3. Мустақил ўқиш учун зарур бўлган вақтни тақсимлаш, керакли маълумотларни мустақил равишда топа олмаслик, диққатни жамлаш, синфда аниқ кўриш, тинглаш ва ёзиш, имтиҳонларни топширишдаги қийинчиликлар.

4. Таъсирчан (ҳиссий) қийинчиликлар ўрганишга бўлган қизиқишни сақлаб қолиш, ишни изчил давом эттиришга қодир эмаслик.

Ушбу қийинчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар орасида объектив таълим муассасаси тизимида таълимнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ: ўқув материалларининг жуда кўп концентрациясига нисбатан кичик вақт оралиғи, ўқишдан четлатилган катта ёшдагиларнинг таълим олиш

имкониятларига зид келади, кўпинча бу ҳолат таълим фаолияти учун етарли эмас.

Дуал таълимда тизимли ёндашувдан фойдаланиш нафақат турли босқичларни тушуниш имконини беради, балки тайёргарлик эҳтиёжларини аниқлашдан дастур бажарилишини баҳолашга қадар, машғулотларни бошқариш ва амалга оширишда ушбу босқичларнинг ўзаро боғлиқлигини тасаввур қилиш имконини беради. Ушбу ёндашувга мувофиқ қурилган тайёргарлик циклининг тузилиши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Дуал таълим тайёрлов циклининг тузилиши

Тайёргарлик даврининг босқичлари 2-расмда схематик кўринишда мисол қилиб келтирилган. Ўқув жараёни ушбу босқичларнинг таркибини чуқурроқ тушуниш учун таркибий қисмларга бўлинди. Шуни таъкидлаш керакки, машғулотлар бу тайёргарлик даврининг босқичларидан бири эмас, балки тайёргарликни амалга оширишдир. Бундан ташқари, баҳолашнинг аниқланган тайёргарлик эҳтиёжлари ва ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш натижалари ўртасидаги муносабатни аниқлаш, шунингдек, алоҳида тингловчиларнинг иши ва умуман ташкилотни такомиллаштиришда намоён бўлишига эътибор бериш муҳимдир.

Бу борада асосий иш берувчи, назария ва амалиётнинг тўғри ташкил этилишини назоратга олиб боришда асосий ўрин тутадиган таркибни шакллантиришга қаратиш лозим. Улар кимлар: олий таълим муассасалари бўлажак касб таълими ўқитувчилари, касб-ҳунар мактаблари ишлаб чиқариш усталари ва ишлаб чиқариш ходимларидан иборат қилиб белгиланади.

Кейинги босқичда эса тайёрлов усулларини тўғри танлаб олиш зарур. Бунда айнан дуал таълим тизимида яққол шароит, муҳит, жараён ва омилларга хос бўлган усулларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Булар таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида касб таълими мутахассисларининг яратувчанлик, бошқарувчанлик, тадқиқотчилик, конструкторлик, педагогик каби билим, малака, кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришда касб таълими мутахассисларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикаси (“Self-development”, “Natural-reflexive”, “Vitagen”), таълим технологияларидан иборат. Бу усуллар ва технологиялар асосида касб таълими

ISSN 2181-3841

мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий-муҳандислик (Visual C++ да дастурлаш) ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни автоматлаштириш, визуаллаштиришда (Visualization and avtomatization) лойиҳавий-конструкторлик, тадқиқотчилик касбий компетенциялари шакллантирилади.



2-расм. Дуал таълимда тайёрлов жараёни тузилиши

Натижада олий таълимнинг касб таълими йўналишлари битирувчилари ҳамда ишлаб чиқариш ходимларининг касбий маҳорат даражаларини ташхислашнинг аналитик, лойиҳалаш, конструкторлик ва прогностик компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмунан такомиллаштирилганлиги баҳоланиб борилади.

Дуал таълим тизимнинг хусусиятларидан бири шундаки, универсал ва мустақил сифатларни шакллантиришга йўналтирилган таълим усулларининг аҳамиятини оширади. Таълим жараёнида қўлланиладиган дуал тизими муҳандис-педагогик касбий таълимда профессор-ўқитувчилар ва талабалар амалда қўллайдиган методик алоқа муҳим дидактик шарт бўлиб қолади ва шунинг учун алоҳида эътибор талаб этилади.

Талабалар ва ўқитувчиларни ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- барча талабалар билан ўқитувчи ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини шакллантириш лозим. Бунинг учун саволлар бериш ёки ўқитувчилар жиддий қабул қилинмаслиги ёки кулишидан қўрқсалар мавзуларни ўрганишда иштирок этиш керак; тингловчиларда билим етишмаслиги сабабли қўрқув, ҳаяжон ва турли фикрлар юзага келади; барча тингловчиларни бир хил ҳурмат қилиш лозим;
- таълим жараёнида талабаларнинг юқори даражадаги иштирокини таъминлаш бундай таълим усулларини танлашни ўз ичига олади, у талабаларни максимал даражада жалб қилади. Уларга буни тушунтириш муҳим, ҳар қандай шахсий қадриятлар, эътиқодлар ва фикрларнинг баёноти фақатгина мамнуният билан қабул қилинади. Бундай таълим усуллари муҳокамалар, кутилмаган ғояларни муҳокама қилиш, муайян мисолларни муҳокама қилиш, ушбу муаммонинг турли жиҳатларини, ролли ўйинларни намойиш этиш, тажриба алмашинувини ташкил этишга имкон

берувчи гуруҳ иши ва бошқалар энг фойдали ҳисобланади. Таълим бериш тезлиги суст бўлиши мумкин, аммо бу ҳолатда ўрганиш қобилияти ёшга боғлиқ эмас. Аксарият катта ёшдагилар одатдаги маърузаларни фаол ўрганишни афзал кўрадилар;

- ўқитиш учун масъулиятни талабалар билан баҳам кўриш имкониятини бериш, талабаларнинг ўзларини ўқитишда иштирок этишини англатади;
- таълимни концептуаллаштириш, таълим стимулятори ролини ўйнаш, балки фақат билимларни етказиш ва ўрганишни баҳолаш эмас. Ўқитувчи барча жавобларни билиши шарт эмас, аммо у талабаларни бошқаришда ўзини яхши намойиш қилиши керак;
- таълим жараёни талабаларнинг кундалик иштажрибасига асосланади. Маълумки, таълимни оддийдан мураккабга қараб йўналтириш зарур.

Ҳар бир босқичнинг тавсифини ўз ичига олган гуруҳнинг ҳаётий цикл схемаси 3-расмда келтирилган.

3-расм. Дуал таълимни ташкил қилишда жамоа гуруҳнинг ҳаётий цикли

Қисқа муддатли таълим шароитида ўқитувчи биринчи марта ўқувчилар билан учрашганда, одатда, жамоа сифатида бир-бирлари билан қандай

ISSN 2181-3841

ишлашни билмасликлари учун биргаликда самарали ишлашга қодир эмас.

Шунга кўра, ўқитувчининг биринчи вазифаси гуруҳ тузишда талабаларга ёрдам бериш усуллари ва методлари ёрдамида ўқув жараёнида конструктив иш олиб боришга тайёрлашдан иборат. Чекланган ўқув вақтлари ушбу жараённи якуний оптималлаштиришни талаб қилади, гуруҳ ҳаётий цикли жараёнини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тўрт босқичда ривожланишни ўз ичига олади: шакллантириш; ҳужум; нормаллаштириш; иш.

Ҳужум босқичи – бу босқичда гуруҳнинг қандай ишлаши тамойиллари белгиланади. Шу боис, ушбу босқичда самарали иш муносабатларини ўрнатишда таълим берувчи гуруҳга ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Гуруҳни шакллантириш жараёнида, айниқса, турли малака ва ҳаёт тажрибасига эга ёши катта инсонлардан иборат бўлишини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Гуруҳ таркибини ҳисобга олган ҳолда, турли малакалар ва тажрибаларни "аралаштириш" мумкин. Турли даражадаги малака ва ҳаёт тажрибаси таълим мазмунига ёндашувларни тушуниш ёки излаш керак бўлган контекстни ошкор қилишга ёрдам беради ҳамда гуруҳни шакллантиришнинг энг конструктив омили бўлиши мумкин.

Таълим олувчиларнинг ўқитиш услубини ҳисобга олиш ёши катталар таълими самарадорлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Таълим олувчилар ахборотни қандай қабул қилиши, ташкил қилиши ва бошқалар таълим концепцияси тушунчаси билан бевосита боғлиқ.

Хулоса ўрнида касбий фаолият соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи таълим ва ишлаб чиқаришда касб таълими мутахассисларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, касбий тайергарлик босқичлари, касбий тайёргарликнинг сифат кўрсаткичлари, касбий фаолиятга тайёргарликни баҳолаш мезонлари, касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари ва натижаларни методологик ёндашувлар (мотивацион, когнитив, рефлексив) асосида дуал таълим тизимида касбий тайёргарликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности / С.Д. Смирнов. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 304 с.
2. Blum A. The development of an Integred Science Curriculum. Information Scheme Fur. // Science Education 1981, vol.3, - p. 1-15.
3. Чориев Р. К. Интеграция теоретических и практических знаний как средство совершенствования профессиональной подготовки будущих инженеров-педагогов. // Замонавий таълим, 2020 й. № 3 (88) 38-46 б.
4. Choriev Ruzimurot Kungratovich, Ismailova Zuxra Karabaevna. Peculiarities of professional self-development of a future teacher in the context of personalityoriented pedagogy. // journal of research and reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019 ISSN 2056-5852.505-508 pages.
5. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. .. пед. ф. д. – Т.:2007. – 315 б.
6. Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан. номз. – Т.: 2000. – 186 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ ТИЗИМЛИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Садоқат СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг профессионал таълимни
ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари

ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ

TO READ THE ARTICLE IN ENGLISH

Жаҳон иқтисодий тизимида интеграция ва глобаллашув жараёнларининг ривожланиши меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласини устувор вазифа сифатида белгиламоқда. Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев айтиб ўтганларидек, "Ҳозирги вақтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновацион ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз"[1].

Бундан келиб чиқадики, таълим тизимида бажарилаётган ишларда ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий компетенциясини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишида замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган ўқитиш усулларини амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади.

Юқорида келтирилган долзарб вазифаларнинг ижроси сифатида мамлакатимизда мутлақо янги профессионал таълим тизими жорий этилди.

Жумладан, профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори вазирлик, идоралар ва йирик иш берувчилар таклифлари, ЮНЕСКО томонидан жорий қилинган "Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" (ТХСК-2011) ҳамда "ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" (ТХСК-С 2013) принциплари, шунингдек, ХАЛИКК-2020 асосида такомиллаштирилди.

Мазкур классификатор бўйича меҳнат бозоридаги асосий иш

ISSN 2181-3841

берувчилар, тармоқ малака кенгашлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг таклифлари ишлаб чиқилди.

Янги классификатор Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси асосида табақалаштирилган 3 та таълим даражасига мувофиқ, **10 та** билим соҳаси, **22 та** таълим соҳаси ва **132 та** таълим йўналишларини қамраб олди.

Жами **714 та** касб ва мутахассислик (1372 та квалификация)ни ўз ичига олган.

Мазкур классификаторда профессионал таълим даражалари бўйича:

- бошланғич профессионал таълим даражасида **239 та** касблар бўйича **511 та** квалификация;
- ўрта профессионал таълим даражасида **339 та** касб ва мутахассисликлар бўйича **665 та** квалификация;
- ўрта махсус профессионал таълим даражасида **136 та** мутахассисликлар бўйича **196 та** квалификациялар мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони [2] ижроси бўйича ҳудудлардаги профессионал таълим ҳолати Ишчи гуруҳлар томонидан **725 та** профессионал таълим муассасаларида бевосита жойларга чиққан ҳолда ўрганилди. Профессионал таълим муассасаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудий бошқармалар, таълим муассасалари раҳбарларига онлайн семинарлар ўтказилди.

Ҳудудий бошқарма ва таълим муассаса директорлари Тошкент шаҳридаги технопарклар, ахборот технологиялари ва сервис соҳалари бўйича ихтисослашган профессионал таълим муассасаларининг салоҳияти ва таълим жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарорига мувофиқ, 13 та профессионал таълим муассасаларида Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Мазкур марказларнинг норматив ҳужжатлари, жумладан, 16 та касблар бўйича ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди.

271 та профессионал таълим муассасасида асосий таълим дастурларига қўшимча равишда **764 та** қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Профессионал таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш соҳасидаги тор ихтисосликлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ўқув жараёнига профессионал таълим муассасаларининг **151 нафар** малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари жалб қилинди.

Архитектура ва қурилиш соҳасининг 14 та касблари бўйича муваффақиятли тамомлаган **5112 нафар** битирувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 734-сон қарори билан тасдиқланган намунадаги QR-кодли ва маълумотлар базаси билан интеграция қилинган сертификатлар топширилди.

Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Қурилиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

билан молиявий саводхонлик, **"Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор"** тамойили асосида **"Ёшлар: 1+1"**, қурилиш йўналишлари бўйича ўқув курсларининг таълим дастурлари ишлаб чиқилди.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг грант маблағлари асосида ЮНЕСКО ваколатхонаси томонидан **"Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ишга жойлаштириш кўникмаларини ривожлантириш"** лойиҳаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг **"Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш"** ҳамда **"Марказий Осиёда касб-ҳунар таълими – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тизимли ёндашувларга кўмаклашиш"** лойиҳалари ҳамкорликда амалга оширилянти.

"KFW банкнинг молиявий кўмаги иштирокида профессионал таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш" лойиҳаси, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 2021–2033 йиллар давомида **"Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш"** грант лойиҳасини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори [3] ижроси бўйича 2021/2022 ўқув йилида қабул режалаштирилган касблар бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари https://dastur.edu.uz/ сайтига муҳокама учун жойлаштирилди.

Ҳозирги кунга қадар **437 та** касб ва мутахассисликларнинг **малака талаблари ва ўқув режалари, 450 та табиий-гуманитар, 627 та умумкасбий, 2676 та мутахассислик фанлари ва 3065 та амалиёт дастурлари**, шунингдек, 8 та касбнинг дуал таълим ўқув режаси ва 9 та касбнинг таълим дастурларига WorldSkills стандартлари сингдирилди.

Тасдиқланган ўқув режаларга QR-код жойлаштирилди ва у http://edu.profedu.uz платформаси билан боғланди. Сайт барча учун очиқ.

"Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида намунавий ўқув режалар асосида ишчи ўқув режалар ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар", "Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимнинг ўқув режа ва ўқув жараёни графикларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар", "Профессионал таълим муассасаларида сиртқи таълимнинг ўқув режа ва ўқув жараёни графикларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар", "Профессионал таълим муассасаларида кечки таълимнинг ўқув режа ва ўқув жараёни графикларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар" ва "Профессионал таълим муассасаларида фан (модул)лар ва амалиётлардан ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома" ишлаб чиқилди.

Касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитиш материаллари тўпламлари, жумладан, **237 та** умумкасбий, **660 та** махсус фанлар ва **457 та** ўқув амалиёти дастурлари асосида ўқитиш материаллари тўпламлари ишлаб чиқилди.

Профессионал таълим тизимида фаолиятюритаётган педагог кадрларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш,

ISSN 2181-3841

уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб бориш мақсадида www.edu.profedu.uz таълим портали ишлаб чиқилди. Касб ва мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, ўқитиш материаллари тўпламлари таълим порталига жойлаштирилиб, босқичма-босқич бойитиб борилмоқда.

WorldSkills стандартларини жорий қилиш, ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ишчи касблар бўйича "WorldSkills Uzbekistan" мусобақаларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 2021 йилнинг январь, февраль ва март ойларида ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва профессионал таълим муассасаларининг **6000 дан** ортиқ масъулларига ZOOM ва YouTube дастурлари орқали Worldskills стандартлари бўйича **16 та** онлайн шаклда мастер-класслар ўтказилди ҳамда маълумотлар базаси шакллантирилди.

Профессионал таълимнинг таълим дастурлари WorldSkills стандартлари ҳамда профессионал стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда.

Профессионал таълим тўғрисидаги дипломларга ахборот технологияларини жорий этиш орқали индивидуал QR-код қўйиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда унинг дастурий таъминотидан фойдаланиш бўйича ҳудудий бошқарма ҳамда профессионал таълим муассасалари масъуллари учун ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

2021 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 163-сон қарори [5] қабул қилинди.

Дуал таълимнинг мазмун-моҳияти ва ташкил этиш тартиби оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилмоқда. Жумладан, 2021 йил 30 мартда "Ўзбекистон 24" телеканали, 5 апрелда "Ўзбекистон" телеканали, "Ассалом, Ўзбекистон" кўрсатуви, 8 апрелда "Ўзбекистон" радиоканалида интервьюлар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан **профессионал таълим тизимида дуал таълимни** ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари таклифлари шакллантирилмоқда.

Дуал таълимни жорий этиш бўйича ташкилот ва профессионал таълим муассасаси ўртасида, ўқувчи ва ташкилот ўртасида расмийлаштириладиган шартномаларнинг намунаси ишлаб чиқилди.

Дуал таълим ташкил қилинадиган 6 та ўрта профессионал ва 2 та ўрта махсус профессионал таълим даражасидаги касблар ва мутахассисликларнинг ўқув режалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Дуал таълимни жорий этиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар билан биргаликда:

- дуал таълим ташкил этиладиган профессионал таълим муассасалари ҳамда корхона (ташкилот)ларни белгилаш;
- меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида дуал таълимда ўрта бўғин кадрлари тайёрланадиган касблар ва мутахассисликларни аниқлаш;
- дуал таълимни жорий этишда касбга йўналтириш ишларини ташкил

қилиш;

- иқтисодиёт тармоқлари, меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб қабул квоталарини белгилаш амалга оширилди.

Юқорида келтирилган тадбирларни амалиётга татбиқ этишда профессионал таълим тизимида фаолият юритадиган педагог кадрларнинг касбий компетенцияларини ошириш, билим ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш масаласи муҳим саналади.

Профессионал таълим жараёнида инновацион таълим технологиялари ва фаол усуллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувларни қўллаш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [6].

Профессионал таълимда янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашнинг асоси олий педагогик таълимнинг фундаменталлашуви ва ўзгариб боришида кўзга ташланади. Ижтимоийлаштириш, табақаларга бўлиб ўргатиш ва инновацион-педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш шулар жумласидандир. Ўқитишнинг янги шакллари, яъни масофадан туриб таълим олиш, интернет-таълимини татбиқ этиш ва шу билан бирга касбий, амалий компетентликка эга бўлган ўқитувчилар тайёрлаш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Профессионал таълим педагоглари олдига долзарб вазифа қўйилган, у ҳам бўлса, ўқувчи-талабанинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш бўйича метод ва воситаларни ҳамда замонавий ўқитиш назариясини ишлаб чиқишдан иборат. Шу боис ўқувчи-талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш ушбу жараёнда иштирок этадиган барча қуйи тизимлардаги ишларни қайта кўриб чиқиш заруратини янада фаоллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ–4939-сон қарори. www.lex.uz
4. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.464 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарори. www.lex.uz
6. Андреева А.С. Формирование системы профессионального воспитания обучающихся в условиях непрерывного образования// Устойчивое развитие науки и образования. 2016. № 3. С.34-38.
7. Аношкина В. Л., Резванов С. В. Образование. Инновация. Будущее. 2001. Раздел. 3. Стадии становления концепции непрерывного образования. URL: sbiblio.com/biblio/archive/ resvanov_obrasovanie/
8. Ахмедов А.Э., Смольянинова И.В., Шаталов М.А. Система непрерывного образования как драйвер совершенствования профессиональных компетенций// Профессиональное образование и рынка труда. 2016. №3. С.26-28.

ISSN 2181-3841

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МЕЗОН СИФАТИДА

Шиҳназар ШАРОФАДДИНОВ,
Педагогик инновациялар институти мустақил тадқиқотчиси

Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, профессионал таълим тизимини жорий этишда таълим интеграциясини таъминлаш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Миллий малака тизими, миллий малака рамкаси, касбий стандартлар, меҳнат бозори ва таълим хизматлари интеграцияси, компетенцияга асосланган таълим.*

В данной статье рассматриваются проводимые реформы в системе профессионального образования, обеспечивающие интеграцию образования в реализацию системы профессионального образования.

Ключевые слова: *Национальная система квалификаций, национальная рамка квалификаций, профессиональные стандарты, интеграция рынка труда и образовательных услуг, компетентностное образование.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони Ўзбекистонда миллий малака тизимини жорий этиш бўйича муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Фармон билан профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКОнинг “Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи” (МСКО-2011) даражалари билан уйғунлаштирилган. Ўзбекистоннинг миллий малака тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги натижасида меҳнат ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги ўзаро алоқанинг талаб даражасида ривожланмаганлиги, бу эса ўз навбатида тайёрланаётган кадрларнинг ички ва ташқи меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида миллий малака рамкасини, иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган.

Бу жараёнда Ўзбекистонда шаклан ва мазмунан мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими барпо этилиши, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб 3 та тоифадаги таълим муассасалари тармоғи фаолият кўрсатиши белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатида таълим тизими, турлари ва шакллари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги Қонуни таълим тизимининг трансформациясини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мазкур қонунда профессионал таълимнинг алоҳида моддалар билан ёритилганлиги жаҳон меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёж доимий мавжудлигидан келиб чиқиб

Техникумларга бўлган ёндашувларни ўзгартириш керак. Улар олийгоҳга киришнинг осон йўли эмас, мураккаб касб берадиган, меҳнат бозорида рақобат қиладиган тизим бўлиши керак.

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон шароитида ҳам ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда.

Ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш борасида Австрия, Болгария, Германия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Финляндия, Саудия Арабистони, Франция, АҚШ ва Канада каби давлатларнинг илғор тажрибалари Ўзбекистон профессионал таълим тизимининг трансформациясини илмий ёндашувлар асосида жорий этишга хизмат қилади.

Профессионал таълим тизимини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжатлар янги Ўзбекистонда профессионал таълимни интеграциялашни тақозо этади.

Таълимда интеграция илмий ва маданиятлараро ҳамкорлик жараёнининг объектив акси ҳисобланади. Интеграция атамаси ҳужжатлар, тадқиқот ҳисоботлари, таълим соҳасидаги тавсиялар ва кўплаб педагогик нашрларда қўлланилади, у педагогика назарияси ва амалиётида, хар хил элементлар ва алоқаларни яхлит бирлаштирган ҳолда яхлит тизим сифатида кўриб чиқилади.

Яхлит тизимга ўтиш мавжуд компонентларнинг алоқаларини мустаҳкамлаш, аввал ажратилган компонентларнинг ўзаро таъсири, янги компонентлар ва уларнинг алоқаларини яратиш ёки мавжудларини қайта тартибга солиш орқали содир бўлади. Бундай ҳолда, нафақат интеграция, балки ўзаро нейтраллаш, олиб ташлаш ва ўзаро таъсирнинг бошқа шакллари юзага келади, бу эса умумий тизимнинг янги сифат хусусиятлари каби муносабатларга олиб келади.

Интеграция – бу ўзаро бириктириш, билимларни унификациялаш жараёни бўлиб, бўлиниш, ажратиш, табақалаштириш каби қарама-қарши жараёнларнинг бирлашиши орқали намоён бўлади; одамларнинг моддий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий фаолияти турлари ва таркибий қисмларининг ўзаро кириб боришига мўлжалланган жараёндир, унинг чуқур асослари дунёнинг моддий бирлиги, умумий алоқалари, сифат жиҳатидан хилма-хил тузилмаларнинг бирлашиши билан белгиланади.

Интеграция таълим тизимининг

ISSN 2181-3841

очиқлигини назарда тутади, фан, санъат, тарих, диннинг турли соҳаларида мутахассисларни ўқитиш жараёнини ўз ичига олади; муқобиллик ва хилма-хиллик шахс, оила ва тез ўзгарувчан жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ таълимга янгича мазмун киритиш имконини беради.

Профессионал таълим жараёнида интеграция таълимнинг ривожланишини таъминлайди, чунки у ўқувчи шахсининг (бошқа тоифадаги ўқувчиларни) турли соҳаларига йўналтирди ва дунёни ҳар томонлама билиш имконини беради.

Мамлакатимиз таълим тизимида интеграция ғоясининг қисқача тавсифи шуни кўрсатадики, у турли даражаларда: дарсларда амалга ошириладиган, юқори даражада умумлаштирилган фанлараро алоқаларда, интеграциялашган дарслар, курслар шаклларида намоён бўлади, янги катта фанлар, таълим муассасалари моделлари ва минтақавий таълим тизимларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бу интеграцияни замонавий таълим тизимини янгилашнинг методик тамойили сифатида кўриб чиқиш имконияти ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида мамлакатимизда миллий малака тизимини жорий этиш иқтисодиётни иш берувчи ташкилотларнинг аниқ талаблари асосида реал компетенцияга эга бўлган мутахассислар билан таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда профессионал таълим муассасаларида таълим жараёни иш берувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ олиб борилаётганлиги битирувчиларнинг эгаллаган касблари бўйича зарур компетенцияларни эгаллашини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида бугунги кундаги тез ўзгарувчан меҳнат бозори шароитида иқтисодиётни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълим тўғрисида. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2013 йил. - 476 б.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ИМИЖИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Нодир ЮСУПОВ,
Педагогик инновациялар институти мустақил тадқиқотчиси

Мақолада бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган замонавий педагог имижи ва унинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги имкониятлари ва мажбуриятлари тўғрисида фикр юритилиб, жаҳон таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари, таълим жараёнига инновацион технологияларни кенгроқ жорий қилиш ва ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга оширишнинг шарт-шароитлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: *Инновация, таълим, креативлик, инновацион фаолият, таълим муҳити, касбий фаолиятнинг онгли таҳлили, оммавий тажрибалар.*

В статье рассматривается образ современного педагога, что является одной из самых актуальных проблем современности, его возможности и обязанности в развитии инновационной деятельности, а также приводятся ценные сведения о тенденциях развития в мировом образовании, более широком внедрении инновационные технологии в образовательный процесс, и условия эффективной реализации инновационной деятельности педагога.

Ключевые слова: *Инновации, образование, творчество, инновационная деятельность, образовательная среда, осознанный анализ профессиональной деятельности, массовые эксперименты.*

Жаҳон таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ўқитишнинг инновацион технологияларини кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада оширишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Европа мамлакатларига хос глобал таълим муҳитини шакллантиришда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини, амалий йўналганлигини таъминлаш, сифатли таълим олиш, ижодий ривожланишга йўналтириш, ўқитишнинг янги парадигмаларини ривожлантириш, интерфаол таълим муҳитини яратишда инновацион таълим технологиялари ва улардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Савол туғилади: нимани нимадан бошлаш керак? Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда савол туғилади: нимани (қандай янги мазмундаги) ўқув материалини янгича ўргатмоқчисиз. Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам асосий мақсадга йўналтирилган таълим объекти ва пировард натижа – маҳсул бўлмиш таълим мазмунини янгича талқин қилишга боғлиқ.

Тадқиқот: Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти, акс фикрларга нисбатан беғараз муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини

ISSN 2181-3841

Авваламбор, профессионал таълимни янги ёндашувлар асосида ташкил этиш шарт.

Ш. Мирзиёев

уқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги, мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир. Мулоқотнинг янги вазияти – бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти – бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилганидир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниш каби унсурлардан холи бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва

ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шаклларини, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга – янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогик янгилик дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда – синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В. А. Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу – қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;

креативлик. Бу – хаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан холи бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;

касбий фаолиятни баҳолаш. Бу – ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;

ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу – ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлилик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга

ISSN 2181-3841

имкон берди:

- инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;
- ижодий фаолиятга жалб қилинишга шайлик;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга шайлик;
- инновацион фаолиятни ижро этиш учун технологик шайлик даражаси;
- инновацион фаолиятнинг касбий мустақилликка таъсири;
- касбий рефлексияга бўлган қобилият.

Олий мактабдаги инновация жараёнлар характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири – ўқитувчи шахсидир.

Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креатив, кенг қамровли қизиқиш ва машғулликни ёқлаши, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;

янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса: Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини илғор педагогика ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун педагог-ўқитувчи сифатида фаолият олиб бораман деган ҳар қандай шахс ўз устида мунтазам иш олиб бориши, янгиликлардан хабардор бўлиши ва замонавий таълим технологияларини таълим жараёнига жорий эта олиш билимини эгаллаши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон "Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5099-сонли Фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони. www.lex.uz
4. Жуманиёзова М. Инновацион фаолият таълим сифатининг кафолатидир.//Uzluksiz ta'lim. -Т., 2006.-№6.B.88-92,
5. Turg'unov S.T. Ta'lim muassasalarini boshqarishda innovatsion faoliyat.//Uzluksiz ta'lim. -Т., 2006.-№4.B.3-6
6. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Автореферат. / Г.Н. Ибрагимова. -Т., 2017.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Нозима КАРИМОВА,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D), доцент,
Ойиста АШУРОВА,
Педагогик инновациялар институти мустақил изланувчиси

Ушбу мақолада профессионал таълимда компетенцияли мутахассис тайёрлашда профессионал таълим педагогларининг касбий компетенцияларини узлуксиз ривожлантиришнинг аҳамияти, педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда мустақил таълим ва ҳаёт давомида ўқиб-ўрганишнинг асосий мақсадлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *Инновация, компетенция, рақобат, рақобатбардош, мотивация, махсус, компетентлик, метод.*

В данной статье освещается важность непрерывного развития профессиональных компетенций педагогов профессионального образования при подготовке компетентных специалистов профессионального образования, основные задачи самостоятельного образования и непрерывного обучения в развитии профессиональных компетенций педагогов.

Ключевые слова: *Инновация, компетентность, конкуренция, конкурентоспособность, мотивация, специальность, компетентность, метод.*

Бугунги кун тараққиёти, ҳаёт тарзининг кескин ва жадал суръатларда ўзгариши ҳамда ахборот коммуникация технологиялари соҳаларининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда долзарблик даражасини белгилайдиган бўлсак, таълим тизимини интеллектуаллаштириш ва унинг афзалликларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда жаҳон тажрибасига суянган ҳолда айтиш мумкинки, тараққиёт ривожи таълим тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар, ислоҳотларни амалга оширмоқ зарурати туғилганлигини тақозо этмоқда. Бу билан биргина таълим соҳасини эмас, балки унга боғлиқ бўлган барча соҳаларни модернизациялаш ва жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш учун ҳам муҳим. Бу жараён, албатта, профессионал таълим тизимида фаолият кўрсатувчи педагог кадрлардан катта масъулият ва кучли педагогик тайёргарликни талаб этади.

Бутун умр давомида таълим олишнинг замонавий тенденциялари ахборотни излаб топиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш технологиясини, шахс томониданўзиниўзиўрганишусулларини эгаллаш, ўзининг кучли томонларини аниқлаш ва уларни муваффақиятли юзага чиқариш, шунингдек, илгари олган билимларини янги шароитларда қўллаш, ўзини ўзи тартибга солиш, муваффақиятли фаолият стратегиясини қуриш, юқорироқ босқичга ўтиш учун касбий компетенциясини ривожлантириш ва ҳаётининг турли даврларида рақобатбардош мутахассис сифатида таркиб топиш кўникмаларини онгли равишда эгаллаш заруриятига олиб келади. Бундай вазиятда педагог кадрларнингкасбийкомпетенцияларини ривожлантириш муаммоси долзарб аҳамиятга эга.

Профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш, профессионал таълим

ISSN 2181-3841

Профессионал таълим муассасалари педагоглари малакасини оширишнинг янги тизими яратилади. Университетлар ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ўрнига ҳар бир вилоятда Профессионал тайёргарлик марказлари ташкил этилади. Бу марказлар иш берувчиларнинг эҳтиёжини ўрганиб, хорижий тажриба асосида педагоглар малакасини оширади.

Ш. Мирзиёев

муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш давр талабидир.

Профессионал таълимнинг замонавий шакллари бозор иқтисодиётининг ривожланиши, мамлакатнинг юқори малакали ишчи ва мутухассисларга бўлган эҳтиёжлари билан тўлиқ белгиланади.

Ҳозирги кунга келиб таълимни модернизациялаш муаммоларини ечишда замонавий педагогикада "компетентлик" ва "компетенция" тушунчалари тобора оммалашиб бормоқда. Педагогик-психологик адабиётларда "компетентлик" тушунчаси нисбатан яқиндан бошлаб кенг қўлланила бошлаган. Ҳозирча "компетентлик" тушунчасини очиб берувчи ягона таъриф йўқ. Бу масала юзасидан турли олимлар турлича тахминларни илгари сурмоқдалар. Баъзи олимлар "компетентлик" бу рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели деб қарасалар, бошқа бир гуруҳ олимлар шахснинг шахсий сифатлари билан боғлайдилар.

"Компетенция" ва "компетентлик" бўйича тадқиқотлар олиб борган машҳур олим Эдинбург университети профессори Жон Ревен ҳисобланади. У компетентликни аниқ предмет миқёсидаги ҳаракатни самарали бошқариш учун зарур бўлган ва тор доирадаги билимларни ўз ичига олувчи, ўзига хос малакаларни, фикрлаш йўллари ва шу билан бирга, ўз ҳаракатига масъулият билан ёндаша олиш каби ўзига хос қобилият деб таърифлайди. Бевосита компетентликлар ичида касбий компетентликни ўрганадиган бўлсак, адабиётларда ва олимларнинг илмий тадқиқотларида касбий компетентликнинг таркибий тузилмаларига нисбатан ҳам турлича қарашлар мавжуд.

А.В.Хуторский касбий компетентликни уч босқичга бўлиб кўрсатади:

- муҳим – таълимнинг умумий мазмунига тегишли;
- умумпредметлилик – ўқув предметларининг ва таълим жабҳаларининг маълум даражасига тегишли;
- предметлик – компетентликнинг юқоридаги таркибий қисмларига нисбатан хусусий бўлиб, аниқ таърифга эга ва ўқув предметлари чегарасида шакллантириш имко-

нияти мавжудлиги.

В.Н. Введенский ҳам касбий компетентликнинг уч босқичини ажратади:

- умумий – муҳим ва тезкор компетентлик;
- хусусий – аниқ мутахассислик компетентлиги;
- аниқ – алоҳида педагог компетентлиги.

Шу билан бирга у компетентликнинг мазмуни ва таркибий қисмларини аниқлаш учун учта йўлни таклиф этади: профессиографик, босқичли ва масалали, буларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари мавжуд. Ушбу метод ёрдамида муаллиф коммуникатив, ахборот бир тартиблилик ва интеллектуал-педагогик компетентликларни ажратадики, бунда энг охиргиси қолганлари учун база ҳисобланади.

Н. А. Муслимовнинг тадқиқотларида бевосита мутахассиснинг касбий компетентлиги тадқиқ этилган бўлиб, унда қуйидагича таъриф келтирилади:

"Компетентлик – бу шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолият амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларнинг касбий фаолиятда қўлланилиши билан ифодаланади".

Профессионал таълим соҳасига "компетентлик" тушунчасини олиб кириш зарурати масалалари Э. Ф. Зеернинг илмий ишларида ҳар томонлама кенг ёритилган. Олимнинг таъкидлашича, компетентлик аниқ вазиятларда (ижтимоий ва касбий) яққол кўзга ташланади.

Намоён бўлмаган компетентлик яширин имконият сифатида сақланиб қолади, унинг рўёбга чиқиши учун шароитлар яратилиши даркор. Муаллиф фикрича, компетентлик – билимлар, маҳорат, тажриба сифатида ижтимоий-касбий вазиятда аниқ фаолият мобайнида рўёбга чиқади. Билим, маҳорат ва тажриба инсон қай даражада компетентликка эга эканлигини белгилайди, бу билимларни қўллай олиш, маҳорат ва тажрибаларни аниқ ижтимоий-касбий вазиятларда ишга солиш маълумотли ва касбий шаклланган шахснинг қай даражада компетентликка эга эканлигидан далолат беради.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, шу билан юксак малакали мутахассисларни тайёрлашда профессионал таълим педагогларининг касбий компетентликларини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Касбий компетентлик билим, кўникма ва тажрибаларнинг, шунингдек, шахсий сифатларнинг бир бутун, яхлит йиғиндиси бўлиб, инсонга касбий фаолиятини атроф олам билан ўзаро боғлиқликда, самарали лойиҳалаштириш ва амалга ошириш имконини беради.

Касбий компетенциялар таркиби сифатида тадқиқотчилар қуйидагиларни кўрсатадилар:

Оддий компетенциялар (фаолиятнинг муайян турларида намоён бўладиган ва осон мустаҳкамланадиган билим, кўникма ва қобилиятларга асосланган ҳолда шакллантириладиган).

Таянч компетенциялар ҳисобга олиш ва ўлчаш учун ўта қийин бўлиб, фаолиятнинг барча турларида, шахснинг атроф олам билан барча муносабатларида намоён бўлади, шахснинг маънавий дунёсини ва унинг фаолияти мазмунини акс эттиради.

Касбий компетенция феноменини "тайёргарлик" тушунчаси билан қиёслаш кенг тарқалган. В.А. Сластенин нуқтаи назарига кўра, мутахассиснинг

ISSN 2181-3841

касбий компетенцияси тушунчаси унинг назарий ва амалий тайёргарлиги шахс умумий тайёргарлиги тизими таркибига кириб, касбий маҳорат, унинг профессионаллик даражасини белгилайди.

Компетенцияни олий профессионал таълимнинг асосий мақсади сифатида Ю.Г. Татур қуйидагича таърифлайди: "Олий маълумотли мутахассис компетенцияси, унинг амалиётдаги интилиши ва қобилияти" (тайёргарлиги) ҳамда ўзининг имкониятларини (билим, маҳорат, тажриба, шахсий фазилатлари ва бошқаларни) муваффақиятли, ижодий (самарадор) фаолият кўрсатишга, профессионал ва ижтимоий соҳада қўллашга ҳамда бу фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг натижаларига нисбатан, шахсий масъулиятни ҳис этиши, доимо узлуксиз равишда ўз устида ишлаши каби фазилатларни рўёбга чиқаради.

Компетентлик – бу шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларнинг касбий фаолиятда қўлланилиши билан ифодаланади.

Бутун жаҳон конгрессида таърифлаб берилган мутахассисга қўйиладиган талаблар тизимида таъкидланишича, замонавий педагог қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

- таълим олишни давом эттириш ва бошқа тилда гапирувчилар муҳитида касбий фаолиятини амалга ошириш;
- фикрлаш маданиятига эга бўлиш, тафаккурнинг умумий қонуниятларини билиш, ёзма ва оғзаки нутқда ўзининг натижаларини тўғри (мантиқий) ифодалашни билиш;
- фаннинг ривожланиши ва ижтимоий амалиётнинг ўзгариши шароитида йиғилган тажрибани қайта баҳолаш, ўз имкониятларини таҳлил қилишга қодир бўлиш;
- ўзининг кучли ва бўш томонларини билган ҳолда, ўзини ўзи рўёбга чиқариш қобилиятига эга бўлиш;
- бўлажак ихтисослигининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини ҳамда фаолиятининг аниқ соҳасини белгилаб берувчи фанларнинг асосий муаммоларини тушуниш, билимларнинг яхлит тизимида уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриш;
- тизимли ёндашув асосида профессионал соҳада лойиҳалаш фаолиятига қодир бўлиш, турли ҳодисаларни тавсифлаш ва прогнозлаш учун моделларни қуриш ва улардан фойдаланишни билиш, уларнинг сифатий ва миқдорий таҳлилини амалга ошириш;
- муаммони кўришга қодир бўлиш, касбий функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни таърифлаб бериш, уларни ҳал қилиш учун ўрганган фанлар усулларидан фойдаланишни билиш;
- ҳамкасблар билан бирга ишлаш ва жамоада ишлашга тайёр бўлиш, бошқариш усулларини билиш, бажарувчилар ишини ташкил қилишни билиш, турли фикр-мулоҳазалар мавжудлиги шароитида бошқарув билан боғлиқ қарорларни топиш ва қабул қилишни билиш;

- ўз касбий фаолиятининг кўриниши ва характерининг ўзгаришига, фанлараро лойиҳалар устида ишлашга методик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлиш;
- касбий масалаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш ривожланган қобилиятига эга бўлиш, ҳар қандай вазиятларда йўналишни топа олишни билиш;
- муаммолар, вазиятлар, вазифаларни таҳлил қилиш, шунингдек, ҳаракат режаларини ишлаб чиқишни билиш;
- режани амалга оширишга ва уни бажаришга жавобгар бўлишга тайёр бўлиш.

Профессионал таълим ўқитувчисининг касбий компетентлиги бевосита мустақил таълим жараёнида шаклланади.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда профессионал таълим тизимида фаолият юритувчи педагогларнинг асосий қисми мустақил таълим жараёнини ташкил этишнинг анъанавий, яъни илгари қўлланилган усулларини яхши ўзлаштириб олишган, лекин улар мустақил таълимнинг ахборот таълими муҳитидаги имкониятларидан (бутун умр давомида таълим олиш (lifelong learning, LLL), катта ёшлилар таълими (adult education), узлуксиз касбий таълим (continuing vocational education and training) етарли даражада фойдаланмаяптилар. Яъни мустақил таълимни айнан компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш, машғулотларни лойиҳалаш, АКТдан ва интернет тармоғидан таълимий мақсадларда фойдаланиш, ролли ўйинлар, амалий ўйинлар, компьютер ўйинлари, мустақил билим олиш ва бошқа интерфаол метод ва усуллар талабаларда касбий-педагогик компетенцияларни ривожлантириш самарадорлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, профессионал таълим педагогларида касбий компетентликнинг узлуксиз ривожланишини таъминлаш орқали юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда махсус фанлардан дарс бериш сифатини ошириш, дуал таълимни йўлга қўйиш имкониятлари ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
2. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. – Т.: 2019. 218 б.
3. Нажмиддинова Ё.Р. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси. Монография. Тошкент. “Sano-standart” 2018. -128 б.
4. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Т., Молия нашриёти, 2003. – 172 б.
5. Рахимов. О.Д. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. //Ўқув услубий қўлланма, 2015 й. 44 б.
6. Каримова Н.Н. Узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунар таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш // Узлуксиз таълим. – Тошкент. 2014.- № 4. – Б.110-114.
7. Каримова Н.Н. Necessary Components of Developing Professional Competence of Future Vocational Education Teacher // Eastern European Scientific Journal. – Germany. 2018.- №2.– P.136-139.
8. Каримова Н.Н. Компетенция ва компетентлик: У таълим тизимига татбиқ этиладими? // Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Наманган. 2011. – Б. 243-245.

ISSN 2181-3841

МУНДАРИЖА

ҚУТЛОВ

2 Янги Ўзбекистон – Янги профессионал таълим
А. Тошқулов

5 Янги Ўзбекистон тараққиётида "Профессионал таълим"
Р. Джураев

ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ

7 Профессионал таълимда раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш тизими ҳамда соҳани ривожлантиришнинг концептуаласослари
З.Худайбердиев

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

9 Technical cooperation projects for sustainable development in the field of vocational educational and training
J. Fritz

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислоҳотларни жадаллаштириш ва касбий кўникмаларни ривожлантириш 14
Д. Қўчқаров

Янги Ўзбекистонда компетентли ёндашувга асосланган профессионал таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш асослари 17
С. Ашурова, Л. Гаффаров

Ўзбекистонда профессионал таълимнинг ривожланиш тарихи ва устувор вазифалари 21
Ф. Гаффаров

Профессионал таълим мазмуни модернизацияси 26

Перспективы развития профессионального образования в Узбекистане 28
Г. Абдурахманова, А. Ганиева

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари 33
Н. Муслимов

Ахборотлаштирилган таълим муҳитини шакллантиришнинг ташкилий-тузилмавий ва математик модели 37
О. Тўрақулов

Ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш технологияси асослари, ғоялари ва тамойиллари 41
Ж. Ҳамидов

Повышение социальной активности студентов – как важный фактор подготовки к профессиональной деятельности 47
Д. Шарипова

Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели соҳа тараққиёти ва инновацияларни татбиқ этиш жараёнини тезлаштирмоқда 51
Ҳ. Қодиров

Дуал таълим тизимида мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси 56
Р. Чориев

ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистонда профессионал таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари 62
С. Сиддиқова

Профессионал таълим тизимини жорий этиш таълим интеграциясини таъминловчи мезон сифатида 67
Ш. Шарофаддинов

Инновацион таълим жараёнида замонавий педагог имижи ва мажбуриятлари 70
Н. Юсупов

Профессионал таълим тизими педагогларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг долзарб масалалари 74
Н. Каримова, О. Ашурова

ЎЗБЕКИСТОНДА
–ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ–

Таҳрир ҳайъати раиси
Абдуқодир Тошқулов
Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
Садоқат Сиддиқова
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг профессионал таълимни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

Бош муҳаррир
Зайниддин Худайбердиев
Педагогик инновациялар институти директори

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Рисбай Джураев
Қаландар Абдураҳмонов
Қаҳрамон Олимов
Нарзулла Муслимов
Екатерина Артамонова
Санобар Ашурова
Марина Уразова

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Манзил:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.
Телефон: 71-246-90-37
E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Журнал Ўзбекистондаги профессионал таълим муассасаларига тарқатилади.

Ижодий жамоа:
Нодир Юсупов
Ҳусан Нишонов
Элмурод Эгамқулов

Дизайнер ва саҳифаловчи
Абдималик Абрайқулов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан №1591-рақамли гувоҳнома билан 24.04.2022 санасида рўйхатдан ўтказилган.

Адади 1000 нусха. Буюртма №001

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

“Ўзбекистонда профессионал таълим” журнали таҳририяти сизни ўзаро ҳамкорликка таклиф этади.

Журналимиз саҳифаларида профессионал таълим тизимини ривожлантиришга, ўқув жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий, таҳлилий мақолалар нашр этилади.

Сизлар профессионал таълимда қўлланилаётган инновацион технологиялар, касб-ҳунар ўрганишга оид методик тавсиялар ҳақида, шунингдек, жорий этилган илғор тажрибалар ҳамда тизимда амалга оширилаётган ибратли ишлар ва янгиликлар ҳақида ўз фикрларингизни биз билан ўртоқлашишингиз мумкин. Ҳурматли профессионал таълим фидойилари, устозлар!

Таҳририятимиз сизлар билан ҳамкорлик қилишдан жуда мамнун.
Ўз мақолаларингизни қуйидаги манзиллар орқали бизга юборинг, тажрибаларингизни ҳамкасбларингиз билан бўлишинг!

Телефон: +99871-227-19-24
Мобиль: +99898-210-88-58
E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Обуна индекси 1396

1–ОКТЯБРЬ
“Ўқитувчи ва мураббийлар” куни

Байрамингиз муборак бўлсин азиз устозлар!

Барча ўқитувчи ва мураббийларни, заҳматкаш ва меҳрибон устозларимизни “Ўқитувчи ва мураббийлар” куни билан чин қалбимиздан қутлаймиз!

Таҳририят жамоаси



edu.profedu.uz
Методик таъминлаш платформаси

Платформанинг асосий саҳифалари:

- Ўқув-меъёрий ҳужжатлар;
- Дарсликлар;
- Ўқув қўлланмалар;
- Қўшимча адабиётлар;
- Ўқитиш материаллари тўплами;
- Қисқа муддатли курслар;
- Методик тавсиялар;
- Методик йўриқномалар;
- Видео ресурслар;
- Инфографикалар;
- Сиз учун фойдали;
- Муҳокама учун.

Ушбу ахборот тизими профессионал таълим муассасаларига онлайн методик таъминотни амалга оширади

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

prof-talim.edu.uz
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг академик лицейлар ва профессионал таълим муассасалари платформаси

edu.profedu.uz
Профессионал таълим муассасалари рахбар ва педагог ходимларининг фаолиятини методик таъминлаш платформаси

cgtvet.uz
Касбларга таълим бериш ва ўқитиш халқаро дастури бўйича онлайн малака ошириш платформаси

my.moqt.uz
Профессионал таълимнинг масофавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш платформаси

help.edu.uz
Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига оид энг кўп бериладиган саволларга жавоблар портали

vacancy.edu.uz
Олий ва профессионал таълим муассасаларида мавжуд бўш иш ўринларига ҳужжатларни онлайн юбориш платформаси

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси 76-уй
+(998) 71 246-90-37
pedagoginnovatsiyalar@edu.uz